

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.71*

СУЛТАНОВ АСЛИДДИН КАДИРКУЛОВИЧ

**БАНК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230702- “Банк ҳисоби ва аудит”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: _____ и.ф.н., доц. З.Умаров.

ТОШКЕНТ – 2017

**Диссертация Тошкент молия институти “Банк ҳисоби ва аудит”
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар	и.ф.н., доц. З.Умаров
Кафедра мудири	и.ф.н., доц. З.Умаров
Магистратура бўлими бошлиғи	и.ф.н., доц. У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Банклар фаолиятида таҳлилнинг моҳияти ва аҳамияти.....	9
1.2. Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ва уларнинг хусусиятлари.....	17
1.3. Банкларни таҳлил қилишда маълумотлар манбаи	22
I боб бўйича хулоса	28
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	29
2.1. Банклар актив операциялари таҳлилининг аҳамияти ва асосий йуналишлари.....	29
2.2. Тижорат банклари пасивлари таҳлили	37
2.3. Тижорат банкларида молиявий барқарорлик ва ликвидлик таҳлили	48
II боб бўйича хулоса.....	57
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	59
3.1. Тижорат банклари фаолиятини Базель III стандарти талаблари асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш.....	59
3.2. Банклар фаолияти таҳлилининг такомиллаштириш йуналишлари	68
III боб бўйича хулоса	79
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	86

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистонда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳолининг бизнес соҳасидаги қобилиятини юзага чиқариш, бандликни таъминлаш, пировардида давлатимиз иқтисодиёти ва оилалар турмуш фаровонлигини оширишга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Мазкур жараёнларни амалга оширишда молия-банк тизими ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу эса тижорат банклари олдига муҳим вазифалар юклайди, яъни Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек, “Мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. ...Ҳозирги кунда тижорат банкларининг бош вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборат”¹

Бугунги кунда банк тизими миллий иқтисодиётимизни тез ривожланиб бораётган секторларидан бири бўлиб, бозор иқтисодиётида тармоқларни бир-бири билан боғлаб туришида алоҳида муҳим молиявий воситачи ролини бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, миждозлар ишончи ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, хорижий кредит линияларини жалб этиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандард энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг юқори рейтинг баҳосига эга бўлди².

¹Ш.М.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

²www.cbu.uz Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

Банк тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни янада юқори даражага чиқишини таъминлаш³ ҳисобланади.

Бунга эришиш учун банк фаолияти доимий равишда таҳлил қилиб борилиши ва шу таҳлил натижаларига асосланган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолияти таҳлили амалиётидаги мавжуд ечимини топмаган муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб, тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети - тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш ва таҳлил самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинган:

- банклар фаолиятида таҳлилнинг моҳияти ва аҳамияти ўрганиш;
- банк фаолиятини таҳлил қилиш усулларини ўрганиш ва уларнинг энг мақбулини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари ва пасивлари таркиби, динамикасини таҳлил қилиш ва уларнинг сифатига баҳо бериш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2344-сонли Қарори, 2015 йил 6 май.

- Тижорат банкларида молиявий барқарорлик ва ликвидлик таҳлилининг назарий асосларини ўрганиш;

- тижорат банклари фаолияти таҳлилининг такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

- тижорат банклари фаолияти таҳлилининг асосий йўналишлари аниқланган ва гуруҳлаштирилган;

- тижорат банклари фаолияти таҳлилининг мақсади ва вазифалари белгиланган;

- банкларда актив ва пасивларни шакллантириш ва уларни таҳлил қилиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар берилган;

- банк фаолияти таҳлилининг ташкил қилиш услублари тизимлаштирилган;

- Республикада тижорат банклари фаолияти таҳлили борасида мавжуд бўлган муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган;

- халқаро амалиётда банк фаолиятининг таҳлил қилиш усулларини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банклари фаолиятининг таҳлилининг назарий–услубий асослари яхлит тадқиқ қилиниши натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар банк фаолияти самарадорлигини оширади. Бу эса банк активларига таъсир этувчи омилларни комплекс тадқиқ қилишга, келгусида банк активлари сифатининг, даромадлиги, ликвидлиги оширишга ва рисклилигининг мақбуллаштиришга, пасивларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Тижорат банклари фаолияти таҳлилининг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар - О.Лаврушин, Г.Коробова, Л.Батракова,

Ю.Вешкин, Г.Авагян, Диана Мак Нотон, Г.Панова, К.Савдакасов, А.Шеремет, Г.Щербакова. Фраст Стивен М. В.Колесников, П.Кроливедская, М.Бор, В.Пятненколарнинг⁴ илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ё.Абдуллаев, С.Абдуллаева, Ш.Абдуллаева, Б.Бердияров, Н.Каримов, Т.Қоралиев, Ё.Маҳмудалиева, Ш.Тошмуродов, З.Умаровларнинг⁵ илмий изланишларида тижорат банклари фаолияти таҳлилини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув, коэффициентларни ҳисоблаш, омилли таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар тижорат банклари фаолияти таҳлилини такомиллаштиришда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора–тадбирлар ишлаб чиқишида кенг фойдаланиш мумкинлиги, активлар ва пассивлар таҳлилини ташкил қилиш ва амалга ошириш, актив ва пассивларни бошқаришда ва уларнинг сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан

⁴Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.,
Банковское дело: Учебник/ под ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с., Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2–е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. –368 с., Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с., Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. –М.: Финансы и статистика, 2002. –240 с., Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. –М.: Финансы и статистика, 1996. –272 с., Савдакасов К. Коммерческие банки: Управленческий анализ деятельности. Планирование и контроль –М.: Ось–89, 1998. –160 с., Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. –256 с., Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006. – 672 с., Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П. Кроливедской. 4–е издание – М.: Финансы и статистика, 1998. –464 с., Бор М.З., Пятненко В.В. Стратегическое управление банковской деятельностью. – М. : Финансы и статистика, 1995. -158 С.

⁵Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA”, 2009 й. – 548 бет., Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. –304 б., Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б., Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 1998. – 23 б., Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б., Умаров З.А. Тижорат банклари молиявий таҳлилнинг айрим йўналишлари. // Развитие розничного банковского бизнеса мавзусидаги халқаро илмий–амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. –Б. 315–316.

иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида «Банк иши», «Банк фаолияти таҳлили» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш, банкни бошқариш жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва долзарблиги асослаб берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ёритилган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи боби «Тижорат банкларида таҳлилни ташкил этиш ва унинг асосий йўналишлари» деб номланиб, банklar актив операциялари таҳлилининг аҳамияти ва асосий йўналишлари, тижорат банклари пассивлари таҳлили, тижорат банкларида молиявий барқарорлик ва ликвидлик таҳлили амалий маълумотлар асосида ўрганилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида тижорат банклари фаолияти таҳлилинини такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилган ва таклифлар берилган.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида мавзунини ўрганиш жараёнида изланишлардан келиб чиқиб билдирилган хулосалар ҳамда тавсиялар ўз ифодасини топган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банклар фаолиятида таҳлилнинг моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарор ва самарали фаолияти иқтисодий тизимнинг ривожланишининг асосидадир. Демак банклар фаолиятининг соғломлиги тараққиёт гаровидир. Шундай экан тижорат банклар фаолиятида таҳлилнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Банклар фаолиятини мумтазам таҳлил қилиш орқали банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мумкин.

Банклар иқтисодийда кредит муносабатлари ва ҳисоб-китобларда воситачи вазифасини бажарар экан, барча иқтисодий субъектларнинг барқарор фаолият юритиши банк тизимининг барқарорлиги билан чамбарчас равишда боғлиқ бўлиб қолади. Банклар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида уларни доимий равишда кредит маблағлари билан таъминлаб турадилар. Бундан ташқари барча иқтисодий субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар банклар орқали амалга оширилади. Шундай экан, иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини банк фаолиятисиз, унинг барқарор ривожисиз амалга ошириш мумкин эмас. Банклар барқарор ва самарали фаолият юритмаса унинг мижозлари ўз фаолиятини узлуксизлигини таъминлашнинг иложи бўлмай қолади. Мижозлар фаолияти кўп жиҳатдан банкларнинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва самарали фаолият юритишига боғлиқдир. Шундай экан, банклар фаолиятини изчил, чуқур ва илмий асосланган равишда узлуксиз таҳлил этиб бориш, улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади ва ўзига хос аҳамият касб этади.

Банк фаолиятини таҳлил этиш учун банк фаолияти билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий жараёнларни ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқ, англамоқ зарур бўлади. Бунинг учун эса энг авалло банкнинг моҳияти, бажарадиган

вазифалари, ушбу вазифаларни бажариш асослари, усуллари, хуллас, бутун банк фаолиятига тегишли жараёнларни билиш лозим. Банк фаолиятини юритиш учун лозим бўлган маблағлар ва уларнинг манбалари, ўз маблағлари ҳамда мажбуриятлари таркиби, улар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масалалари, ушбу маблағларни самарали йўналтириш, банкнинг ликвидлиги, тўлов қобилиятини таъминлаш асослари кабилар чуқур ўрганилмоғи зарур.

Банк фаолияти таҳлилида бир қатор тамойиллармавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойили;
- ихтиёрийлик тамойили;
- бетарафлилик тамойили;
- ишончлилик тамойили;
- даврийлик тамойили;
- тизилмавийлик (системалашганлик) тамойили;
- таққосланувчанлик тамойили;
- аниқ баҳолаш тамойили ва ҳакозолар.

Банк фаолияти таҳлилида ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён майдадан-йирикка, оддийдан мураккабга ёки аксинча ўрганилади, ҳамда умумий бирлиги ва бир-бири билан узвий боғланиши эътиборга олинади. Демак, банк фаолиятини таҳлили банкнинг иқтисодий фаолиятини объектив ва субъектив омилларни эътиборга олиб ўрганади.

Ҳар қандай таҳлил каби, банк фаолияти таҳлили жараёнида биринчидан, ҳақиқий ҳолат ўрганилади, иккинчидан, ҳақиқий ҳолат норматив кўрсаткичлар билан таққосланади, учинчидан, олинган натижаларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг банк фаолиятига таъсири таҳлил қилиниб фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан банк бошқарувига таклифлар тайёрланади. Шундай экан, Банк Бошқаруви томонидан банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун қабул қилинадиган қарорлар албатта банк фаолияти таҳлил натижаларига асосланади. Қабул қилинган қарорларнинг

самараси фаолият таҳлили натижаларининг нечоғлик тўғрилигига пропорционал равишда боғлиқдир. Банк фаолияти таҳлилининг асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- банкнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари;
- банкнинг банк назорати бўйича ҳисобот шакллари;
- банкнинг аналитик ва синтетик ҳисобмаълумотлари;
- бошқа банкларнинг маълумотлари.

Банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлардан бир бўлиб, банкларда кунлик баланс ҳисоботлари тузилади. Ҳар бир иш куни охирида, банкнинг ҳар бир филиали томонидан баланс тузилади ва Бош банк томонидан умумлаштирилади. Бу ҳолат банк фаолиятини тезкор равишда таҳлил қилиб бориш имкониятини яратади. Банкнинг даромадлари ва харажатлари баланс маълумотларига асосан унинг даромадлари манбалари, миқдори, харажатларининг турлари ва ҳажми ҳамда фаолият самарадорлиги таҳлил қилинади. Банк фаолиятини оператив (тезкор) таҳлил қилишда аналитик ва синтетик ҳисоб рақамлар обороти ва қолдиғидан фойдаланади.

Тижорат банклари фаолиятини тўғри таҳлил қилишда Марказий банкнинг, банклар фаолиятига боғлиқ бўлган талаблари, меъёрий ҳужжатларини билиш ва уларга тўлиқ риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилгани каби таҳлил натижалари банк Бошқаруви, банкнинг кузатув кенгаши ва акционерларнинг умумий йиғилишларида қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб, хизмат қилади. Тўғри қабул қилинган қарорлар эса биринчидан, банк фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилса, иккинчидан унинг кредиторлари ва омонатчилари манфаатлари ҳимоялайди ва учинчидан, банк акциядорлари ва миждозларининг банкка бўлган ишончлари ошиб боради.

Банк фаолиятини таҳлил қилишнинг бош мақсади - банк фаолияти самарадорлигини оширишга эришишдан иборатдир. Банк фаолияти натижасида олинadиган соф фойданинг миқдори ошишини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг ишончини қозониш ва банк

акционерларига тўланадиган дивидентлар миқдорини ошириб бориш демакдир. Шунинг учун ҳам, банк фаолияти домий ва узлуксиз равишда таҳлил қилиб борилиши лозим. Бош мақсадга эришиш учун банк фаолиятининг барча жиҳатлари узлуксиз равишда таҳлил этилиши, унинг натижалари тўғри ва аниқ талқин қилинган ҳолда банк Бошқарувига хулоса чиқариш ва қарор қабул қилиш учун мунтазам равишда тақдим этиб борилмоғи лозим. Банк стратегиясини белгилаш, банк Бошқаруви, кузатув кенгаши ва акционерларнинг умумий йиғилиши қарорлари ҳам банк фаолияти таҳлиliga асосланади ва ушбу қабул қилинган қарорлар самарадорлигини белгилаб беради.

Банк фаолияти таҳлилининг бош мақсадига эришиш учун қуйидагиларга эътибор қаратилади:

Биринчидан, банк кредиторлари ва омонатчиларининг манфаатларини ҳимоялаш. Маълумки, Банклар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, улар фаолиятини юритиш учун зурур бўлган маблағларнинг асосий қисмини қарийб 70-85 фоизини банк кредиторлари ва омонатчиларининг маблағлари ташкил этиши ҳисобланади. Шундай экан, кредиторлар ва омонатчилар манфаатлари банкнинг манфаатлари билан уйғунлашган тарзда фаолият юритилиши лозим. Омонатчилар ўзларининг банкга ишониб топширган маблағларини ва улар учун тўланиши лозим бўлган фоиз шаклидаги даромадларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб олишлари кредиторлар ҳам банкдаги маблағларидан қонун доирасида фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоғи зарур.

Бунга эришиш учун эса, банк фаолияти кредиторлар ва омонатчилар манфатлари нуқтаи назаридан узлуксиз равишда таҳлил этилиб борилиши лозим. Бунда доимий равишда кредиторлар ва омонатчиларнинг талабларини ўз вақтида ва тўла-тўқис бажармоқ учун етарли миқдорда маблағлар бўлиши талаб этилади. Бунинг учун банкнинг тўлов қобилияти унинг омонатчилари ва кредиторлари талабларини қондириш мақсадида доимий равишда таҳлил қилиниши талаб этилади.

Иккинчидан, банк оборотига четдан жалб этилган ва банкнинг ўз маблағларидан самарали фойдаланиши. Ушбу мақсадга эришиш учун албатта, доимий равишда четдан жалб этилган ва ўз маблағлари динамикаси ва барқарорлиги нуқтаи назаридан таҳлил этилиши талаб этилади. Шу билан бирга, ушбу маблағлар қайси мақсадларни амалга ошириш учун йўналтирилганлиги ва натижада улардан қай даражада самара олиниши кузатиб борилади. Четдан жалб этилган ва ўз маблағларидан самарали фойдаланиш учун банкнинг янги хизматларини жорий этиш ва унинг бозор шароитида рақобатбардошлигини ошириб бориш йўллари излаш талаб этилади. Банк фаолияти таҳлили натижасида четдан жалб этилган ва ўз маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари аниқланади ва у фаолиятга тадбиқ этилади.

Учинчидан, банк ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш ва уларни оқилона бошқариш. Банк оборотига жалб этиладиган ресурслар таҳлили натижасида унинг барқарорлигини таъминлаш юзасидан чоратадбирлар белгиланади. Ҳар қандай банк оборотга жалб этилган маблағларнинг кам харажат талаб этилиши ва ушбу ресурсларнинг банк оборотида имкон даражасида узоқ муддат хизмат қилишини истайди. Барқарор ресурслар албатта барқарор даромад манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари банк оборотига жалб этилган ресурсларни оқилона бошқариш ҳам банкнинг самарали ва хавфсиз фаолиятини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади.

Банк фаолияти таҳлили асосида ресурслар ва банк активлари ўртасида мутаносибликга эришилади. Банк ресурслари муддат ва ҳажм жиҳатидан актив операцияларга йўналтирилиши мувофиқлаштирилади. Натижада банк ресурсларидан самарали фойдаланишнинг оптимал вариантлари ишлаб чиқилади.

Тўртинчидан, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларнинг бажарилишини таъминлаш. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 50- моддасига мувофиқ Марказий

банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида банклар, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади. Ушбу қонуннинг 52- моддасига мувофиқ Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан;

- капиталнинг монандлик коэффициентини;
- бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;
- йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдори;
- ликвидлилик коэффициентлари;
- активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва умидсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;
- қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни;
- очик валюта мавқеи лимитларини белгилайди. Ушбу нормативларнинг доимий равишда бажарилишини таъминлаш учун банк фаолияти узлуксиз равишда таҳлил қилиб борилиши талаб этилади. Албатта нормативлар банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Нормативлар бажарилишининг таъминланмаслиги банк фаолиятини хавфлилик даражасини оширади. Банк бошқаруви нормативларга риоя этилиши юзасидан тезкор маълумотларга эга бўлиши ва уни, таъминлаш учун чора-тадбирлар белгилаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Бешинчидан, банк активларини таркибини ва сифатини тўлиқ назорат қилиб бориш. Банк активлари ҳолати, динамикаси, самарадорлиги каби масалалар доимий равишда таҳлил этилмоғи лозим. Шу билан бирга активларнинг ликвидлиги, даромадлиги ва рикслилик даражаси таҳлили фаолият муваффақиятининг гарови ҳисобланди. Банк активларининг унинг пассивлари билан мутаносиблигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб

этади. Шунинг учун ҳам банк активлари унинг ходимлари, аудиторлар ва марказий банк томонидан ўрганилиб, таҳлил қилиб боришнинг давр талаби бўлиб қолади. Банк фаолияти таҳлили банк акционерлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса банкнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳам Бошқарув фаолиятини мувофиқлаштиришда таҳлил натижаларидан кенг фойдаланилади.

Олтинчидан, банк ликвидлиги ва тўлов қобилиятини доимий равишда таъминланишига эришиш. Банкнинг ликвидлиги деганда унинг мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлақонли равишда бажара олиш имкониятлари тушунилади. Банк омонатчилари ва кредиторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ҳамда тўла-тўқис бажарилиши учун доимий равишда, маълум даражада ликвидмаблағларга эга бўлишлари талаб этилади. Бу ўз навбатида мижозлар томонидан банкка нисбатан ишончни мустаҳкамлайди. Банкнинг тўлов қобилияти деганда унинг мижозлар томонидан берилган топшириқларни тезкор равишда таъминлаш имкониятлари тушунилади. Шундай экан, банк активларини ликвидлилик ва тўлов қобилияти нуқтаи-назаридан таҳлил этилиши фаолият самарадорлигини таъминлаш асосларидан бир бўлиб ҳисобланади.

Еттинчидан банк даромадлари ва харажатларининг оптимал миқдорини аниқлаш. Ҳар қандай тижорат ташкилотлари каби банклар фаолиятдан асосий мақсад ҳам максимал миқдорда фойда олишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам банк даромадлари ва харажатларини таркибий жиҳатдан ва унинг соф рентабеллик даражасини таҳлил қилиш асосий мақсадлардан бир бўлиб қолади. Юқори даромад олиш учун олинadиган даромад манбалари, ҳар бир даромад келтирувчи активлар ҳамда банк хизматлари турларини ўрганиш ва юқори даромад келтирувчи соҳаларни аниқлаб бориш зарур. Шу билан бирга банк харажатлари таркибини ўрганиш натижасида маълум харажатларни тежаш имкониятларини аниқлаш ҳам фаолият самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш, банк фаолияти таҳлилининг мақсадларидан ҳисобланади. Маълумки, даромадлилик ва банкнинг ликвидлиги бир-

бирлари билан қарама-қарши кўрсаткичлар ҳисобланади. Шундай экан, даромадлилик ва ликвидлилик ўртасидаги муносибликни таъминлаш ҳам фаолият таҳлилига асосланади.

Саккизинчидан, банк қимматбаҳо қоғозларининг жозибadorлигини таъминлашга эришиш. Банкнинг ўз маблағлари кўпайиб бориши асосан унинг акцияларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Акцияларнинг сотилиши эса унинг жозибadorлигига боғлиқдир. Қайси банкининг акциялари унинг соҳибларига кўп даромад келтирса, унга бўлган талаб ортиб боради. Бу ҳол ўз навбатида ушбу акцияларнинг жозибadorлигини таъминлайди. Айниқса банк барқарорлигини таъминлашда унинг капиталларининг ошиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Банк акцияларининг қанчалик кўп миқдорда сотилишини таъминлаш ҳам, унинг фаолиятини узлуксиз равишда ҳар томонлама таҳлил этилишини талаб этади.

Тўққизинчидан, банк имиджини оширишдан иборат. Банк имиджи, унинг жамиятдаги, мамлакатдаги обрўси, эришилган муваффақиятлар билан чамбарчас равишда боғлиқдир. Эришилган обрў-эътибор албатда унинг фаолият барқарорлиги, миждозларга кўрсатилган хизмат турларининг сифати, тезкорлиги ва тўлақонлиги билан белгиланади. Булар эса ўз навбатида банк фаолиятини доимий равишда тўлиқ таҳлил этиш ва ундан тўғри хулосалар чиқариш билан боғлиқдир.

Юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш банк фаолияти таҳлилининг кўйидаги вазифаларига боғлиқдир.

1. Бутун банк фаолияти ва унинг айрим йўналишлари бўйича фаолият таҳлилининг натижаларини тўла-тўқис равишда ёритиш.

2. Банк фаолияти тўғри таҳлил этилиши натижасида банк фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсири натижаларини чуқур ўрганиш.


3. Эришилган натижаларни баҳолаш ва улар тўғрисида тўғри хулосалар тайёрлаб келгусида оптимал қарорларни қабул қилиш учун банкнинг бошқарув органларига тақдим этиш.

Хулоса қилиб айтганда, банк фаолиятининг самарадорлиги асосан унинг фаолиятини ҳар томонлама тўлиқ таҳлил этилиши, натижалари ўрганилиши, истиқболдаги режалар таҳлил натижасида қабул қилинган қарорлар, белгиланадиган чора-тадбирлар сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

1.2. Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ва уларнинг хусусиятлари

Тижорат банклари фаолияти таҳлилининг турлари асосан белгиланган мақсад ва вазифаларга боғлиқдир. Бундан ташқари, таҳлил амалга ошириладиган замон ва макон, таҳлил объекти ва субъектлари масалалари ҳам инобатга олинмоғи зарур. Тижорат банклари фаолиятини таҳлил этиш субъектлари нуқтаи назаридан улар икки турга бўлинади. Булар биринчидан ташқи ва иккинчидан ички таҳлилга бўлинади. Банкларнинг ташқи таҳлили асосан Марказий банк, ташқи аудитор ташкилоти ва солиқ инспекциялари томонидан амалга оширилади. Ички таҳлил одатда банкнинг ички аудит гуруҳи, тегишли департамент ва бошқармалар ҳамда ҳар бир банк ходимининг функционал вазифалари юзасидан амалга оширилади.

Тижорат банклари фаолияти таҳлили ташқи ва ички субъектлар томонидан амалга оширилишини қуйидаги расмда акс эттириш мумкин.



1.1-расм. Банк фаолияти таҳлилини амалга оширувчи субъектлар⁶

⁶Муаллиф томонидан тузилди

Ташқи молиявий таҳлил комплекс равишда амалга оширилади, лекин у таҳлил этувчининг мақсадига мувофиқ фарқланади. Банклар томонидан Марказий банкнинг иқтисодий нормативларига риоя қилиш даражаси ўрганилади. Бунинг учун Марказий банк инспекцияси томонидан банкларининг ўз маблағлари таркиби, унинг монандлиги банк активларининг ликвидлилиги ва рисклилиги даражаси, кредит ва инвестицияларнинг таснифланиши ҳамда муаммоли кредит ва инвестицияларни қоплаш учун зурур бўлган захираларнинг ҳақиқатда ташкил этилганлиги ўрганилади. Ҳақиқий ҳолат иқтисодий нормативлар билан таққосланади ва ундан чекинишлар мавжуд бўлган тақдирда ҳаракатдаги қонун-қоидалар доирасида чора-тадбирлар белгиланади ҳамда қонунга мувофиқ зарурий жазолар кўрилиши мумкин.

Амалдаги қоидаларга мувофиқ ҳар бир банк ҳар йили бир марта ташқи аудитдан ўтиш ва унинг тегишли хулосаларига эга бўлмоғи керак. Ташқи аудитторликташкilotи Банк акционерларининг умумий йиғилишида танланади. Йирик банклар ўзининг имиджини ошириш мақсадида халқаро аудит ташкилотларини танлашлари мумкин. Ташқи аудит ташкилотлари ҳам банклар фаолиятини комплекс тарзда таҳлилини амалга оширади. Аудит жараёнида банк фаолияти натижаларининг халқаро андозаларга мос келиш даражаси ўрганилади. Аудит хулосасида йўл кўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсифлар ҳамда халқаро банк фаолиятига мос равишда ҳисобот йили натижаси баҳоланади

Солиқ инспекцияси томонидан ҳам банк фаолияти таҳлили комплекс равишда амалга оширилади. Ушбу комплекс таҳлилдан мақсад албатта Банк томонидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини назорат қилишдан иборатдир. Бунинг учун инспекция томонидан дастлаб банк даромадларининг ҳисоботларда ўз вақтида ва тўлиқ акс этирилиши, солиққа тортиладиган даромад миқдорининг тўғри ҳисобланганлиги, харажатлар таркиби ва уларнинг ҳақиқийлигига ҳамда тўланиши лозим бўлган солиқларнинг ҳақиқийлиги,


тўлиқ ва ўз вақтида бюджет ҳисоб рақамларига ўтказилганлиги таҳлил қилинади. Бундан ташқари, солиқ инспекцияси банк томонидан тўланиши лозим бўлган бошқа солиқ турлари, мол-мулк солиғи, ер солиғи, экология тўловлари кабиларни тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишига ҳам эътибор қаратади. Шу билан бирга, банк томонидан тўловлар кетма- кетлигига риоя этиш даражаси ҳам ўрганилади.

Ички таҳлилнинг асосий мақсади, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Бунда фаолиятдаги қонун ва қоидадан четлашишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, банкнинг ҳар операциясига таъсир этувчи омиллар аниқланиши лозим. Таҳлил натижасида банк бошқаруви ва кузатув кенгашига зарур маълумотлар тақдим этиш, ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр мулоҳазалар билдириш асосий вазифа ҳисобланади.

Банк фаолиятини ёки айрим регионлар доирасида комплекс равишда таҳлил қилиш банк ички аудит ходимлари томонидан амалга оширилади. Айрим фаолият турлари бўйича таҳлил асосан ушбу фаолиятни ташкил этиш учун ташкил этилган департамент ёки бошқармалар ходимлари томонидан амалга оширилади. Банкнинг ҳар бир операцияси юзасидан асосий таҳлил эса жорий равишда ушбу операцияни амалга ошириш учун маъсул ҳисобланган ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бу унинг функционал вазифалари сирасига киради. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, ташқи таҳлил маълумотларидан фойдаланувчилар бўлиб, кредиторлар, инвесторлар, омонатчилар, аудиторлар ва бошқа банк фаолияти билан қизиқувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ички таҳлил натижаларидан фойдаланувчилар эса фақат банк бўлинмалари ҳисобланади. Бу маълумотларидан банк раҳбарияти яъни банк бошқаруви ва кузатув кенгаши томонидан оператив қарорлар қабул қилиш учун фойдаланилади.

Бундан ташқари банк фаолияти таҳлили унинг мазмуни жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади.



1.2-расм. Банк фаолияти таҳлил мазмуни бўйича турлари⁷

Таҳлилнинг мазмунига кўра амалга ошириладиган таҳлиллар унинг мазмуни ва кўзланган мақсадига кўра юқорида кўриб ўтилган таҳлил субъектларининг барчаси томонидан амалга оширилиши мумкин⁸.

Лекин, локал ва тематик таҳлил асосан ички таҳлил сирасига киради. Комплекс таҳлил асосан банкнинг маълум бир ҳисобот давридаги фаолиятини ўрганишга қаратилмоғи лозим. Локал таҳлилда банкнинг маълум бир филиали фаолияти ёки маълум бир фаолият тури, масалан, кредит операциялари таҳлил қилинади. Тематик таҳлилда фаолиятнинг айрим турлари, уларни янада самаралироқ ташкил этиш мақсадида ўрганилади.

Оператив, жорий ва истиқболли таҳлиллар банкнинг ички таҳлили ҳисобланади. Улар асосан амалга ошириладиган банк операцияларини баҳолаш, унга таъсир этаётган омилларни аниқлаш, келгусида фаолият самарадорлигини ошириш учун истиқболли чора-тадбирлар белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Оператив таҳлил одатда ҳар бир операцияни амалга ошириши учун маъсул бўлган ходимлар томонидан амалга оширилади. Жорий ва истиқболли таҳлиллар банкнинг ички аппарати томонидан амалга оширилиб, қарор қабул қилиш учун, банк бошқарувида тақдим этилади.

⁷Тижорат банклари фаолияти таҳлили. Т. М. Каралиев, О. Б. Саттаров, И. Ф. Сайфиддинов. Ўқув қўлланма Тошкент 2014

⁸ Ш. Абдуллаева “Банк иши” Ўқув қўлланма. Тошкент 2009

Таҳлил қилинаётган даврга кўра банк фаолияти таҳлили кўйидагича таснифланади.

ТАҲЛИЛ ДАВРИ БЎЙИЧА		
Оператив	Жорий	Истиқболли
Банк операцияларини амалга ошириш жараёнида амалга оширилади	Маълум муддатда (кундалик, ҳафталик, ойлик) ўтказилади	Келгуси даврда банк стратегик режаларини аниқлаш, бизнес режани мувофиқлаштириш мақсадида ўтказилади.

1.3-расм. Банк фаолияти таҳлил мазмуни бўйича турлари⁹

Оператив, жорий ва истиқболли таҳлиллар банкнинг ички таҳлили ҳисобланади. Улар асосан амалга оширилаётган банк операцияларини баҳолаш, унга таъсир этаётган омилларни аниқлаш, келгусида фаолият самарадорлигини ошириш учун истиқболли чора-тадбирлар белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Оператив таҳлил одатда ҳар бир операцияни амалга ошириши учун маъсул бўлган ходимлар томонидан амалга оширилади. Жорий ва истиқболли таҳлиллар банкнинг ички аппарати томонидан амалга оширилиб, қарор қабул қилиш учун, банк бошқарувига тақдим этилади. Банк бошқаруви таҳлил натижаларини умумлаштирган ҳолда фаолият самарадорлигини яхшилаш юзасидан Қарорлар қабул қилади.

Бундан ташқари иқтисодий адабиётларда таҳлил бошқарув объектига қараб молиявий ва бошқарув таҳлилига ажратилган ҳолда ўрганилади.

Молиявий таҳлилда пул маблағларининг ҳаракати, даромадлар таркиби ва миқдори, харажатлар таркиби, молиявий натижалари, молиявий ресурслар, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва фаолият рентабеллиги қабилар ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўрганилади. Бошқарув таҳлилида асосан банкга четдан жалб этилган ва ўз маблағларини самарали бошқариш, пассив ва актив операцияларини мувофиқлаштириш, кредит портфелини бошқариш, меҳнатнинг ташқил

⁹Тижорат банклари фаолияти таҳлили. Т. М. Каралиев, О. Б. Саттаров, И. Ф. Сайфиддинов. Ўқув қўлланма Тошкент 2014

этилиши, асосий воситалар ва ёрдамчи материаллардан самарали фойдаланиш, даромад ва харажатларни бошқариш кабилар назарда тутилади.

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Банк фаолияти таҳлилининг турлари ҳар хил бўлишига қарамасдан, улардан таҳлил жараёнида ўрганилаётган кўрсаткичнинг мазмун-моҳиятига қараб турли усулларни қўллаб, таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ва бу фарқларни келтириб чиқарган омиллар аниқланади.

Банк фаолияти таҳлили жараёнида маълум бир банкнинг фаолиятини бошқа бир банкнинг фаолияти билан таққослаб ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бир банкнинг ҳудудлардаги филиаллари фаолиятининг турли жабҳаларини таққослаш орқали, Банк бошқаруви илғор амалиёт тажрибасини оммалаштириш имкониятларига эга бўлади.

Таҳлил натижаларига асосан банк фаолияти баҳоланади. Бу ўз навбатида, банклар томонидан рақобат муҳитида унинг рақобатбардошлигини ошириш учун фаолиятининг қайси жиҳатларини самарали бошқариш ҳақида чора-тадбирлар белгилашига ёрдам беради.

Банк фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишда гуруҳлаш, иқтисодий индекслаш, занжирли алмаштириш, баланс, кореляция, регрессия, матрица каби методлардан ҳар томонлама фойдаланилади. Ҳозирги замон банк технологиялари, турли математик дастурлардан оқилона фойдаланиш фаолият таҳлилининг тезкорлиги ва самарадорлигини оширади.

1.3. Банкларни таҳлил қилишда маълумотлар манбаи

Тижорат банклар фаолиятини таҳлил қилишда маълумотлар манбаи энг зарурий воситадир.

Банкларни тўғри ва оқилона бошқариш учун турли-туман маълумотлар тизимидан фойдаланиш зарурки, улар орқали тўғри бошқарувқарорлари қабул қилиниши мумкин. Маълумотлар дейилганда иқтисодий ҳодисалар, воқеалар ва хўжалик жараёнларини тегишли манбалар орқали акс эттириш, уларни қайта ҳисоблаш ва ўрганиш, ҳамда тегишли ташкилотларга тақдим қилиш тушунилади.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотларни мазмунига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ◆ иқтисодий маълумотлар;
- ◆ ҳуқуқий- меъёрий маълумотлар;
- ◆ илмий- техникавий маълумотлар;
- ◆ табиий- экологик маълумотлар;
- ◆ бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотларни бизнес режа, турли хил ахборот манбалар, технологик маълумотлар, оператив-техник, меъёрий ва ҳисоб ҳужжатлари ташкил этади. Бу манбалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади.

Ҳуқуқий-меъёрий маълумотларга эса мамлакатда амал қилаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларда расмийлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш тушунилади.

Илмий-техникавий маълумотлар, энг янги тараққиёт, жаҳондаги ўзгаришлар, фан ва техника ютуқларини ўзида мужассам этган ахборотлардир. Бу ахборотлар таҳлил учун муҳим аҳамият касб этади.

Табиий-экологик маълумотлар, табиат, ер, иқлим ва бошқа экологик омилларни мужассамлаштирган ахборотларни таҳлилда муҳим манбаа сифатида ўрганилади.

Бошқа манбааларга эса, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, табиий-экологик манбаларда акс этмаган маълумотлар тушунилиб, бунга оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлардаги, радио ва телевидениядаги келтирилган ахборотлардан фойдаланиш таҳлил учун муҳимдир.

Иқтисодий манбалар бошқа ахборотлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- ҳужжатлашганлиги;
- турли- туманлиги;
- оммавийлиги ва ҳажмининг кенглиги;
- маълум даврларда такрорланиб туришлиги;
- қонунлашганлиги ва чегараланганлиги;

- кўп қирралилиги ва сермазмунлиги.

Таҳлил учун керакли манбалар қуйидаги талабларни бажариши лозим:

1. ҳаққонийлик ва ҳолисоналик тамойилига амал қилинади.

2. манбалар таҳлил қилиниши учун кенг имкониятли бўлмоғи лозим, яъни режа, ҳисоб ва статистик малумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши, талаб қилинган вазифаларни бажариши керак.

3. иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбалар аниқ ўлчамда акс эттирилиши лозим.

4. барча манбаларнинг умумий бирлиги ва узвий боғлиқлиги сақланади ҳамда улардаги ахборотлар бир-бирини тўлдириб турилишини тақозо этади.

5. манбаларга киритилган кўрсаткичларни аниқланиш тамойиллари ва акс эттириладиган даврлар мослиги зарурдир ва хоказолар.

Юқоридаги талабларга жавоб берувчи барча ахборотлар таҳлилнинг аниқ бажарилиши, сермазмун бўлишлигига имкон яратади.

Барча йиғма маълумотларни ҳар томонлама тўғрилигини текшириш:

- техник (юзак) текшириш усули;
- мантиқий ёки мазмунан текшириш усулларига ажратилади.

Техник текшириш, ахборот манбааларини арифметик жиҳатидан тўғрилигини, расмийлаштириш қоидаларига риоя қилинганлиги ва кўрсаткичларнинг бир-бирига мослигини эътиборга олган ҳолда ўрганишдир.

Мазмун жиҳатдан текшириш, маълумотларнинг ҳаққоний эканлиги, унда акс эттирилган рақамларнинг ҳақиқатда борлиги аниқлашни ўз ичига олади. Бундай текшириш ўз ичига бухгалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатларидаги келтирилган рақамларни инвентаризация ўтказиш орқали таққослаш, санаб кўриш ва ўлчаш йўли билан тўғрилигига ишонч ҳосил қилишдир.

Банклар фаолиятида таҳлил қилинадиган соҳага қараб маълумотлар манбаи ҳам турлича бўлади. Тижорат банклар фаолиятини таҳлил қилиш доирасига қараб қуйидагйўналишларга ажратишимиз мумкин:

1. Молиявий ҳисоботлари таҳлили

2. Амалга ошираётган операциялари асосида:

- актив операциялари таҳлили
- пассив операциялари таҳлили

3. Иқтисодий меъёрларнинг бажарилиши таҳлили

Демак тижорат банклар фаолиятини таҳлил қилишда маълумотлар манбаидан ҳам юқоридаги йўналишларга қараб фойдаланилади.

Банк фаолияти ва унинг фаолияти натижалари ҳақида кенгрок ва умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Шу сабабли, банк ҳисоботларининг асосий моҳияти-банк фаолияти ҳақида тўғри, тўлиқ ва тезкор иқтисодий маълумотларни ўз ичига олган таҳлил учун маълумотларманбаси бўлиб ҳисобланишидир. Банк ҳисоботлари инвесторлар, кредиторларга ва бошқа банк мижозларига тушунарли бўлиши, уларга жалб қилинаётган ресурсларнинг таркиби, турлари ва жойлашиши, кутилаётгандаромадларнинг суммаси ва вақти, кредитлар ва бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираларининг мавжудлиги, банк капитали таркиби ва бошқалар тўғрисида тегишли маълумотларни бериши лозим. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари, унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш органлари учун тижорат банкларининг молиявий аҳволи, пул муомаласининг ҳолати, халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини ўрганиш учун ўта муҳимдир.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. Улар банк фаолиятининг таҳлилида асосий зарурий воситадир. Банк фаолиятининг таҳлилининг асосий манбайи ҳисобланган молиявий ҳисоботлар қуйидаги ҳисоботларни ўз ичига олади:

- а) баланс ҳисоботи ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- б) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- в) пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- г) хусусий капитал ҳақида ҳисобот;
- д) изоҳлар, ҳисоб-китоблар, тушунтиришлар

Молиявий ҳисоботнинг мақсади банкнинг молиявий аҳволи, фаолияти, молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Бироқ молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган бутун ахборотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради. Молиявий ҳисобот куйидагилар учун ҳам ахборотни сақлайди: Инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга доир қарорларни қабул қилиш; банкнинг бўлғуси пул оқимига баҳо бериш; тижорат банкига ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларига, мажбуриятларига баҳо бериш; банк бошқаруви ишига баҳо бериш. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорлар тижорат банкнинг пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг кўпайиш вақтини ҳисоб-китоб қилиш ва натижага эришишга умид қилишдаги қобилиятини баҳолашни талаб қилади. Бундай қобилият пировард натижада масалан, тижорат банки ўз ходимлари ва маҳсулот етказиб берувчиларига ҳақ тўлай оладими, фоизларни тўлаб турадими, кредитларни уза оладими ва даромадни (фойдани) тақсимлай оладими ёки йўқми эканини аниқлайди. Демак банк фаолиятининг таҳлил қилишда молиявий ҳисоботлардаги юқоридаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади, баҳоланади, хулоса қилинади.

Молиявий ҳисоботлар ўзаро бир-бири билан боғлангандир, чунки улар банк фаолиятига доир бир хил ҳолатларнинг ҳар хил жиҳатларини акс эттиради. Ҳар бир ҳисобот битта мақсадга хизмат қилмайдиган ва фойдаланувчиларнинг муайян эҳтиёжларини аниқлаш учун зарур бўлган бутун ахборотни бермайди. Масалан, молиявий-хўжалик фаолиятнинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот, агар ундан бухгалтерлик баланси ва пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот билан уйғунликда фойдаланилмаса, фаолиятнинг бутун манзарасини акс эттирмайди.

Банклар мажбуриятлари таҳлилнинг асосий манбаларидан биридир. Тижорат банклар мажбуриятларини баланс ҳисобварвқларида ўз аксини топади. Уларни ҳар бирини эҳтиётқолик ва аниқлик билан таҳлил қилиш

орқали банк фаолиятига баҳо бериш мумкин. Мажбуриятлар - банк томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан, капитал эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан шаклланади. Ушбу маблағларнинг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилиши тижорат банкларининг самарали ишлашини ва иқтисодий жиҳатдан бақувватлигини таъминлайди. Банк мажбуриятлари ифодаланган таҳлил манбалари таҳлил қилинар экан банк ўз маблағлари билан нисбатлари аниқланиб банкнинг фаолиятига ижоби ёки салбий фикрлар билдирилиши ва хулосалар берилиши мумкин. Тижорат банклари баланси пассивининг асосий улушини мажбуриятлар ташкил этиб, улар 85-90 фоиздан иборат бўлади. Мажбуриятларни муддати ва вужудга келиш манбасига қараб барқарор ва нобарқарор, улар учун тўланадиган харажатлар қийматидан келиб чиқиб, арзон ва қиммат маблағларга ажратиш мумкин. Тижорат банкларининг иккинчи йирик маблағлари манбасини уларнинг капитали ташкил этади. Банк капитали таркибида устав капитали ташкил топиши ва барқарорлиги жиҳатидан муҳим молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Банк капиталини бошқаришда асосий эътибор уларнинг барқарор молиявий маблағлар ҳисобидан шаклланишига ва етарлилигига қаратилади.

Банк мажбуриятлари уларнинг ўзига хос-хусусиятлари, манбалари ва муддатлари ҳисобга олинган ҳолда асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- талаб қилиб олингунича сақланадиган депозитлар;
- жамғарма депозитлар;
- муддатли депозитлар;
- бошқа банкларнинг ҳисобрақамлари;
- олинган қисқа муддатли кредитлар;
- олинган узок муддатли кредитлар;
- мижозларнинг бошқа депозитлари.

Демакбанкнинг юқорида таъкидлаб утилган мажбуриятлари таҳлил манбалари учун зарурий воситалардир.

Банк капитали ҳам банкнинг соғлом ва барқарор фаолияти гаровидир. Демак банк капитали ҳам таҳлил учун банк фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда банкларнинг даромадлари, харажатлари активлари, пасивлари банк фаолиятига баҳо беришда, таҳлил қилишда энг зарурий таҳлил манбаи ҳисобланади.

I боб бўйича хулоса

Тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Банк фаолияти таҳлили жараёнида ҳақиқий ҳолат ўрганилади, ҳақиқий ҳолат норматив кўрсаткичлар билан таққосланади, олинган натижаларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг банк фаолиятига таъсири таҳлил қилиниб фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан банк бошқарувига таклифлар тайёрланади.

2. Банк фаолияти таҳлилининг асослари бўлиб банкнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари, банкнинг банк назорати бўйича ҳисобот шакллари, банкнинг аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари, бошқа банкларнинг маълумотлари ҳисобланади.

3. Банк фаолиятининг самарадорлиги асосан унинг фаолиятини ҳар томонлама тўлиқ таҳлил этилиши, натижалари ўрганилиши, истиқболдаги режалар таҳлил натижасида қабул қилинган қарорлар, белгиланадиган чоратadbирлар сифатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

4. Банк фаолияти таҳлилининг турлари ҳар хил бўлишига қарамасдан, улардан таҳлил жараёнида ўрганилаётган кўрсаткичнинг мазмун-моҳиятига қараб турли усулларни қўллаб, таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ва бу фарқларни келтириб чиқарган омиллар аниқланади.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Банклар актив операциялари таҳлилининг аҳамияти ва асосий йўналишлари

Банк актив операциялари ҳолати, динамикаси, самарадорлиги каби масалалар доимий равишда таҳлил этилмоғи лозим. Шу билан бирга активларнинг ликвидлиги, даромадлиги ва рисклик даражаси таҳлили фаолият мувоффақиятининг гарови ҳисобланди. Банк активларининг унинг пасивлари билан мутаносиблигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам банк активлари унинг ходимлари, аудиторлар ва Марказий банк томонидан ўрганилиб, таҳлил қилиб бориш давр талаби бўлиб қолади.

Банк актив операцияларини таҳлил қилганда қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- банк активларининг умумий қолдиғи ҳисобот даврида қанча ўзгарганлигини;
- актив операцияларининг таркибини – маблағлари асосан қайси активларга сарфланганини;
- банк активлари таркибининг ҳисобот даврида (таҳлил қилинаётган даврда) қанчалик ўзгарганлигини ва уларнинг ўзгариш сабабларини;
- банк актив операцияларининг ликвидлигини;
- банк активларининг самарали фойдаланиш кўрсаткичларини ҳамда уларнинг ҳисобот ва ўтган даврдаги тафовутларини;
- банк активларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни (ижобий ва салбий) ҳамда фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

Бу кўрсаткичларни аниқлаб актив операцияларни таҳлил қилиб, банк активларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари белгилаш лозим бўлади.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини олиб боришда активлари, уларнинг таркиби ва динамикаси катта аҳамиятга эга.


Банкнинг актив операцияси бу банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган банк операциясидир. Уларни амалга ошириш натижасида банк активлари шаклланади. Банкнинг актив операциялари банкнинг даромадлилигини, ликвидлигини таъминлаш ва рисклилиқ даражасини пасайтириш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида¹⁰ қуйидаги актив операциялар амалга оширилиши назарда тутилган:

- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
 - молиявий лизинг;
 - халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1996 й. 25 апрель

Бундан кўришиб турибдики банкнинг асосий актив операциялари сифатида кредит, инвестиция, лизинг ва бошқаактив операцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.



2.1-расм. Тижорат банкларининг жами активлари қолдиғининг динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)¹¹


2.1-расмдан тижорат банкларининг жами активлари охириги 5 йил давомида 2,3 бараварга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 80,4 трлн. сўмга етди. Банк активлари юқори ўсиш тенденциясига эга. 2012 йилдан 2016 йилга қадар ҳар йили ўртача 22,5 фоизга ўсган. Олиб борилган изчил ислохотлар натижасида банк депозитлар базасининг янада мустаҳкамланиши ва умумий капиталнинг ошиши банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишига имкон бермоқда.

Банк активлари таркибида кредитлар асосий ўринни эгаллайди. Банкларнинг кредит операциялари орқали иқтисодиётда маблағларга эҳтиёж сезаётган соҳалар кредитланади. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Банклар томонидан ажратилган кредитлари қолдиғи ҳам 2,6 баробарга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 53,4 трлн. сўмни ташкил этди

¹¹ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

(2.2-расм). Кредитнинг сўнги беш йил давомида ўртача ўсиш даражаси 27,2 фоизни ташкил этган.



2.2-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг динамикаси (трлн. сўм ҳисобида)¹²

Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

2.1-жадвал

Тижорат банкларининг жами активлари таркибида кредит қўйилмалари салмоғининг динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)¹³

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2016 й.да 2012 й.га нисбатан ўзгариши
1	Тижорат банкларининг жами активлари	35,7	43,9	56,2	65,2	80,4	+44,7
2	Тижорат банкларининг жами кредит қўйилмалари	20,4	26,5	34,8	42,7	53,4	+33,0
3	Кредитларнинг активлардаги улуши % да	57,1	60,5	61,9	65,5	66,4	+9,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тижорат банклари жами активлари ва берган кредитлари 2016 йилда ўтган йилларга нисбатан ошган. Кредитларнинг активлар таркибидаги салмоғи 2016 йилда 66,4 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 9,4 фоизга кўпайган. Бу албатта ижобий

¹² www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

¹³ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ҳолат ҳисобланади. Кредит рисқи нуқтаи назарда олганда ижобий деб баҳоласак бўлади. Аммо кредитлаш бу банкларнинг асосий фаолияти ҳисобланганлиги ва даромадининг асосий қисмини ташкил қилганлиги сабабли унинг салмоғини 70-75 фоизга етказилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк активлар таркиби дейилганда баланс якунига кўра ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушунилиб, банкнинг актив ва мажбуриятлари риск, даромадлилик ва ликвидликка таъсири нуқтаи назаридан таққослама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тижорат банки балансининг активлари тузилмасига баҳо беришдан олдин юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб, баланснинг ҳар бир моддасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банки активларини асосан тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: кассадаги нақд пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар; кредитлар; асосий воситалар.

Банк баланси активлари таркибида нақд пул ва унга тенглаштирилган маблағлар тушунчасига бирлаштирилган бир қатор моддаларни ажратиш ўрганиш мумкин. Бундай моддаларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

«Касса» тушунчасига бирлаштирилган моддалар гуруҳи, яъни бунга Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғи; йўлдаги пул маблағлари; қимматбаҳо металлларга қилинган қуйилмалар; Марказий банкдаги захира ҳисобварағидаги маблағлар; «Ностро» вакиллик ҳисобварағларидаги қолдиқлар киради.

Ушбу активларнинг баъзи бирлари банкка даромад келтирмасда, уларнинг мавжудлигини сабаби банкнинг умумий ликвидлигини маълум даражада ушлаб туришдан иборатдир. Шу боисдан бу активлар бўйича даромадлилик масаласи иккиламчидир.

Тижорат банклари баланси активларининг иккинчи гуруҳ моддалари - бу қимматли қоғозлар портфели ҳисобланиб, иккита белгиси, яъни портфел характери ва қимматли қоғоз туридан келиб чиқиб таснифлаш мумкин.

Паст ликвидли активларига банкнинг кредит портфелини киритиш мумкин. Банк баланси активлари таркибида ушбу портфелнинг ҳиссаси қанча катта бўлса, ўз навбатида ликвидлик даражаси паст бўлади. Ликвидлик даражаларининг паст бўлишига сабаб ушбу кредитлар ва фоизларнинг одатда кредит шартномасининг бирламчи шартларига мувофиқ ўз вақтида қайтарилмаслигидадир. Шунинг учун тижорат банкида миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш услуби қанча яхши бўлса, шунчалик кредит портфели сифати яхши бўлади ва банкнинг рақобатбардошлиги ва ликвидлиги юқори бўлади. Ўз навбатида кредит портфели банк активларининг юқори даромадли қисми эканлигини ҳам унутмаслик жоиз.

Ниҳоят банк баланси активининг охириги қисми бу банк инфратузилмасини шакллантириш билан боғлиқ бўлган банк асосий воситаларига, хўжалик материалларига банд қилинган активлардир. Бу активлар ноликвид, банк учун харажатли ва 100 фоиз риск билан боғлиқ. Моддий активларнинг ноликвидлиги уларнинг сотиш учун мўлжалланмаганлигида намоён бўлади. Ортиқча моддий активлар сотилган тақдирда ҳам уларни баланс қийматида сотиш кийин ҳисобланади, демак, банк учун зарарли ҳисобланади. Моддий бойликларни сақлаш банк учун жуда қимматга тушади ва бу харажатлар одатда фоизсиз даромадлар ҳисобидан қопланади. Агар ушбу харажатларни қоплаш учун фоизсиз даромадлар етмаган тақдирда, уларни банк томонидан жуда катта қийинчиликлар билан топиладиган фоизли даромадлар ҳисобидан қоплашга тўғри келади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активларини мукамал таркибий тузилишини шакллантиришдан манфаатдор бўлади ва уни шакллантиришда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари активларнинг таркибий тузилишида банкнинг қайси мамлакатда фаолият кўрсатишига қараб кўпгина миллий хусусиятларини ҳам ўзидаакс эттиради.

Биз буни қуйидаги жадвалдан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларнинг таркибини кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган тижорат банклари
активлари таркибининг таҳлили¹⁴**

№	Моддалар	2015 йил		2016 йил		Ўзгариши	
		млн. сўм	улуши % да	млн. сўм	улуши % да	млн. сўм	улуши % да
1	Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари	1011110	2,05	1211539	1,91	+200429	-0,14
2	ЎзР Марказий банкдан олинган керак бўлган пуллар	7567488	15,38	9428631	14,88	+1861143	-0,5
3	Бошқа банклардан олинган керак бўлган пуллар	5625507	11,43	7318804	11,55	+1693297	0,12
4	Олди-сотди ҳисобварақлари					0	0
а.	Қимматли қоғозлар	44028	0,09	44338	0,07	+310	-0,02
б.	Қимматбаҳо металлар, тангалар ва тошлар	957	0,0019	2028	0,00	+1071	-0,0019
в.	Минус: Олди-сотди ҳисобварақлар бўйича захиралар	59	0,00	59	0,00	0	0
г.	Соф олди-сотди ҳисобварақлари	44926	0,09	46307	0,07	+1381	-0,02
5	Инвестициялар	850510	1,73	994631	1,57	+144121	-0,16
а.	Минус: инвестициялар бўйича қўрилиши мумкин зарарлар бўйича захиралар	22375	0,05	21303	0,03	-1072	-0,02
б.	Соф инвестициялар	828135	1,68	973328	1,54	+145193	-0,14
6	Тескари РЕПО		0,00		0,00	0	0
7	Кредит ва лизинг операциялар					0	0
а.	Кредитлар, брутто	29321036	59,58	39067346	61,64	+9746310	+2,06
б.	Лизинг операциялар, брутто	422173	0,86	523569	0,83	+101396	-0,03
в.	Минус: кредит вализинг бўйича қўрилиши мумкин зарарлар бўйича захиралар	366295	0,74	432143	0,68	+65848	-0,06
г.	Соф кредитлар ва лизинг операциялар	29376913	59,69	39158771	61,78	+9781858	+2,09
8	Сотиб олинган векселлар					0	0
а.	Минус: сотиб олинган векселлар бўйича қўрилиши мумкин зарарлар бўйича захиралар					0	0
б.	Соф сотиб олинган векселлар					0	0
9	Мижозларнинг молиявий воситалар бўйича мажбуриятлари	1560633	3,17	1129123	1,78	-431510	-1,39
10	Соф асосий воситалар, соф	1277225	2,60	1619340	2,55	+342115	-0,05
11	Олиш учун ҳисобланган фоизлар	303663	0,62	452660	0,71	+148997	0,09
12	Кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган активлар					0	0
а.	Бошқа кўчмас мулк	8980	0,02	7648	0,01	-1332	-0,01
б.	Кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган бошқа активлар	322319	0,65	377042	0,59	+54723	-0,06
в.	Минус: Кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган активлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар	61288	0,12	35188	0,06	-26100	-0,06
г.	Соф, кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган активлар	270011	0,55	349503	0,55	+79492	0
13	Бошқа активлар	1346999	2,74	1695737	2,68	+348738	-0,06
14	ЖАМИ: активлар	49212611	100,0	63383743	100,0	+14171132	0

Тижорат банкларида активлар даромадлилигини оширишнинг асосий шартларидан бири сифатида активларни тўғри таснифланиши муҳим аҳамият касб этади.

¹⁴ “Ahbor-Reyting” рейтинг компаниясининг банк секторининг таҳлилий шарҳи № 46 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ актив операцияларини ривожлантириш, улар активларини самарали бошқаришга ва ликвидлилиги ва даромадлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан АТБ «Саноатқурилишбанк» активлар таркибий тузилмасини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

2.3-жадвал

АТБ «Саноатқурилишбанк» активларининг таркибий тузилмаси динамикаси, млн. сўм ҳисобида¹⁵

№	АКТИВЛАР	2015		2016		2016 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	
		млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
1	Накд пуллар	100,0	1,1	368,8	3,6	268,8	2,4
2	Банкнинг ЎЗР МБдан олиши лозим бўлган суммалари	426,4	4,8	546,0	5,3	119,6	0,5
3	Банкнинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган суммалари	924,6	10,5	580,5	5,6	-344,1	-4,8
4	Олди-сотди қимматли қоғозлари, соф	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5	Сотиш учун амалда мавжуд бўлган инвестициялар	14,3	0,2	14,5	0,1	0,2	0,0
6	Сўндириш муддатигача сақланадиган инвестициялар	14,2	0,2	13,2	0,1	-1,0	0,0
7	Тескари РЕПО	0,0	0,0		0,0	0,0	0,0
8	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	7308,3	82,8	8854,1	85,9	1545,8	3,1
9	Минус: ахтимолий йўқотишларга қарши захиралар	191,1	2,2	285,6	2,8	94,5	0,6
10	Соф кредитлар ва бўнақлар	7117,2	80,7	8568,5	83,1	1451,3	2,5
11	Молиявий ижара	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
12	Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар	3,4	0,0	3,5	0,0	0,1	0,0
13	Қўшма корхоналарга қилинган инвеситциялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
14	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	88,5	1,0	111,0	1,1	22,5	0,1
15	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	2,6	0,0	1,6	0,0	-1,0	0,0
16	Солиқ талаблари	22,1	0,3	28,9	0,3	6,8	0,0
17	Бошқа активлар	52,3	0,6	26,4	0,3	-25,9	-0,3
18	Узоқ муддатли активлар (сотиш учун мўлжалланган)	57,4	0,7	46,0	0,4	-11,4	-0,2
19	ЖАМИ: АКТИВЛАР	8823,0	100,0	10308,9	100,0	1485,9	0,0

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2017 йил 1 январь ҳолатига АТБ

¹⁵ АТБ «Саноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

«Саноатқурилишбанк» активлари 10308,9 млрд. сўмни ташкил қилиб 2015 йилга нисбатан 1485,9 млрд. сўмга кўпайган. Бундаасосан кредитларнинг 1545,8 млрд. сўмга, нақд пуллар суммаси 268,8 млрд. сўмбабанкнинг ЎзР МБдан олиши лозим бўлган суммаларининг 119,6 млрд. сўмга кўпайиши сабаб бўлган. Банкнинг соф кредитлар ва бўнаклари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 2,5 фоизга ўсиб ўртача 83,1 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолат банк активлари яхши диверсификация қилинмаганлигини кўриш мумкин.

АТБ «Саноатқурилишбанк» ҳам ўз активларини кўпайтириш ва активлар даромадлилигини ошириш орқали молия бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, хусусан ўзининг ресурс салоҳиятини ошириш, оқилona таваккалчилик ва самарали бошқариш услубларини уйғунлаштирувчи ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда банк активлари таркибида даромад келтирувчи молиявий ижара ва қимматли қоғозларга инвестицияларни кўпайтириш лозим.

2.2. Тижорат банклари пасивлари таҳлили

Банк ресурслари банк томонидан амалга ошириладиган пасив операциялари орқали ташкил топади ва банк балансининг пасив қисмида юритилади. Пасивлардан самарали фойдаланиш тўғри депозит сиёсатини юритишни талаб қилади.

Маълумки, банклар ҳисоб-китоб ва молиявий хизматлар кўрсатадиган муҳим муассаса бўлиб, уларнинг фаолиятини молиявий ресурсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банклар учун узоқ муддатли ва арзон молиявий ресурслар нафақат уларнинг қўшимча фойдасини шакллантиради, балки турли даражадаги молиявий-иқтисодий инқирозлар, тўловга лаёқатсизлик ва банкротлик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Бинобарин, банкларнинг узок муддатли молиявий ресурслар билан боғлиқ долзарб масалалари бугунги куннинг муаммоси эмаслигини, товар-пул муносабатлари пайдо бўлган даврдан буён иқтисодчилар, олимлар ва мутахассислар эътиборида эканлигини таъкидлашимиз лозим.

Тижорат банклари пасивларини таҳлил қилишда унинг жалб этилган маблағлари ва хусусий капитали этиборга олинади. Дастлаб келинг, пасивлар умумий ҳолатини кўриб чиқайлик.

2.4-жадвал

Мамлакатимиз тижорат банклари пасивларининг таҳлили¹⁶ (млн.сўм)

№	Пассивлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2014 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Талаб қилиб олинган депозитлар	9507195	11220168	11716495	2209300
2.	Жамғарма депозитлари	1316633	1724928	2093411	776778
3.	Муддатли депозитлар	3424976	4845601	5898309	2473333
4.	Бошқа банкларга тўловлар	1337957	1512039	2034345	696388
5.	Тўловланадиган ссудалар	4510898	6905140	8938304	4427406
6.	Субординар қарзлар	84574	91274	93631	9057
7.	Тўлов учун ҳисобланган фоизлар	86986	125395	148375	61389
8.	Бошқа мажбуриятлар	2701776	2444419	3026519	324743
	Жами мажбуриятлар	22970995	28868964	33949389	10978394
9.	Оддий акциялар	1999520	2453140	3048555	1049035
10.	Имтиёзли акциялар	23952	22248	24773	821
11.	Кўшимча капитал	15433	21840	33695	18262
12.	Девальвация захираси	136142	780046	925871	789729
13.	Такисманмаган фойда	836609	510301	711736	-124873
14.	Бирламчи баҳосидан ортган кўшимча қиймат	79886	-	0	-79886
	Жами хусусий капитал	3091542	3787575	4744630	1653088
	ЖАМИ ПАССИВЛАР	26062537	32656539	38694019	12631482

Тижорат банки пасивларини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда банк пасивлари 2014 йилга нисбатан 12631482 млн сўмга ёки 1,48 баробарга ошган. Пассив қисмининг мажбуриятлари ва ўз сармоёси турлича ўзгарган. Жами мажбуриятлар 10978394 млн сўмга ёки деярли 1.48 баробарга ошган ва жорий йилда 33949389 млн сўмни ташкил этган. Жами ўз сармоёси 1653088 млн сўм (1,53 баробар)га ошган ва 4744630 млн сўмни ташкил этган. Пассивларда мажбуриятлар 87,7 фоизни, жами ўз сармоёси эса 12,3 фоизни ташкил этади.

¹⁶«Ахбор рейтинг» рейтинг агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жалб этилган
маблағлар таркиби таҳлили¹⁷ (млн.сўм)**

№	Жалб этилган маблағлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2014 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Талаб қилиб олингунча депозитлар	9507195	11220168	11716495	2209300
2.	Жамғарма депозитлари	1316633	1724928	2093411	776778
3.	Муддатли депозитлар	3424976	4845601	5898309	2473333
4.	Бошқа банкларга тўловлар	1337957	1512039	2034345	696388
5.	Тўловланадиган ссудалар	4510898	6905140	8938304	4427406
6.	Субординар қарзлар	84574	91274	93631	9057
7.	Тўлов учун ҳисобланган фоизлар	86986	125395	148375	61389
8.	Бошқа мажбуриятлар	2701776	2444419	3026519	324743
Жами жалб этилган маблағлар		22970995	28868964	33949389	10978394

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами жалб этилган маблағлари 2014 йилга нисбатан 2016 йилда 10978394 млн. сўмга ошган. Бунга асосан тижорат банкларнинг тўланадиган ссудаларнинг 2014 йилга нисбатан 4427406 млн сўмга ошиши, талаб қилиб олингунча депозитларнинг 2209300 млн сўмга кўпайгани таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, банкларнинг муддатли депозитларининг миқдори 2014 йилга нисбатан 2473333 млн сўмга ошиши банк тизими учун ижобий ҳолатдир. Сабаби муддатли депозитларнинг миқдорининг ошиши банкнинг барқарор ресурс базасининг кўпайишига олиб келади. Умуман банкларнинг жалб этилган маблағлари таркибида банкнинг ресурс базасини оширадиган маблағларнинг миқдорини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Депозит маблағларнинг таркибидаги талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлари арзон маблағлар, лекин муддати жиҳатидан нобарқарор маблағлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит маблағларининг таркибий тузилишига қарайдиган бўлсак, унда асосий улушни талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ташкил қилмоқда.

¹⁷ “Ахбор рейтинг” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган

Жаҳон амалиётида тижорат банкларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари 30-40 фоиз атрофида бўлиши керак, бизда эса унинг улуши 50-65 фоизни ташкил қилмоқда. Буни камайтириш учун, тижорат банклари томонидан жозибадор ва юқори фоизли муддатли ва жамғарма депозитларини таклиф этиш зарур.

ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг таркибининг таҳлили (фоизда)¹⁸

№	Депозитлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2014 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Талаб қилиб олингунча депозитлар	66,72	63,07	59,45	-7,27
2.	Жамғарма депозитлари	9,24	9,70	10,62	1,38
3.	Муддатли депозитлар	24,04	27,24	29,93	5,89
Жами депозитлар		100,00	100,00	100,00	-

Кўришимиз мумкинки, жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши катта салмоқни эгаллаган. 2014 йилда жами депозитлар таркибида трансакцион депозитларнинг улуши 66,72 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 59,45 фоизгача пасайган. Яъни 2014 йилга нисбатан 7,27 фоизга камайишини ижобий баҳолашимиз мумкин, чунки ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади. Лекин бу кўрсаткич ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган мезондан икки баробар юқори. Бу эса тижорат банклари ресурслар базаси нобарқарор ресурслардан

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди. www.cbu.uz

ташқил қилинганидан далолат беради. Буларга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, қонунчилик бўйича барча юридик шахслар банкларда ҳисоб-китоб ҳисобрақамларни очишлари шарт. Ҳамда барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ушбу ҳисобрақамдан ўтказилади. Ҳозирги кунда банк амалиётида ушбу талабга жавоб берадиган ҳисобварақ асосан талаб қилиб олингунча ҳисобварақ ҳисобланади. Яъни барча хўжалик юритувчи субъектлар аксарият ҳисоб-китобларни талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамдан амалга оширадилар. Банк тизимидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аксарият қисми юридик шахсларнинг ҳиссасига тўғри келишини инобатга олсак, талаб қилиб олингунча ҳисобварақлардаги асосий қисми юридик шахслар ҳиссасига тўғри келиши маълум бўлади.

Иккинчидан, жамғарма ва муддатли депозитларга фоиз белгилашда жисмоний шахслар депозитлари (талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобга олинмаган ҳолда) бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,8 фоиздан 8,0 фоизгача, юридик шахслар депозитлари бўйича эса йил бошидаги 7,4 фоиздан 5,5 фоизга пасайганлигидан келиб чиқиб, ушбу депозитларга асосан аҳолини омонатларининг улуши юқорилиги маълум бўлади.

Юқоридаги иккита ҳолатдан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, талаб қилиб олингунча депозитларнинг асосий қисми юридик шахслар ҳиссасига, жамғарма ва муддатли депозитларнинг асосий қисми аҳоли ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бир қаторда юридик шахслар барча маблағларини қонунчилик бўйича банк депозитларида сақлашлари шарт эканлиги ҳамда улар учун жамғарма ва муддатли депозитлардаги фоизларнинг нисбатан юқори эмаслиги уларни ўз маблағларини айнан талаб қилиб олингунча ҳисобварақларда сақлашларга сабаб бўлади. Аҳолига келадиган бўлсак ҳеч қандай қонунчилик уларни маблағларини банкларда сақлашларига мажбур қилмаслигини инобатга олган ҳолда фақатгина ушбу жамғармаларнинг жозибадорлиги уларни маблағларини банкка йўналишига

олиб келади. Бироқ, ҳозирги кунда ҳали-ҳам аҳолининг аксарият қисми банкларнинг барқарорлигига биров шубҳа билан қарайди. Шу туфайли аҳолининг кам миқдордаги маблағлари банкларда айнан жамғарма ва муддатли депозитларда сақланмоқда. Булардан шундай якуний хулосага келиш мумкинки, банкларнинг жами депозитларида талаб қилиб олингунча депозитларнинг (юримдик шахслар ҳиссасига тўғри келганлиги туфайли) улуши жамғарма ва муддатли депозитларга (аҳоли омонатлари ҳиссасига тўғри келганлиги туфайли) нисбатан анча юқори эканлигини аён бўлади.

2.7-жадвал

Тижорат банкларининг депозит қолдиқлари тўғрисида маълумот¹⁹(млн.сўм)

№	Банк номи	31.12.2014 йил ҳолатига	31.12.2015 йил ҳолатига	31.12.2016 йил ҳолатига	2014йилга нисбатан	
					(+;-)	%
1	Миллий банк	3 423 955	3 903 131	4 913 017	1 489 062	43,5
2	Асака банк	2 695 449	3 093 111	3 437 685	742 236	27,5
3	Халқ банки	1 627 625	2 226 202	2 420 738	793 113	48,7
4	Саноатқурилиш банк	1 668 095	1 993 419	1 815 486	147 391	8,8
5	Ипотека банк	1 430 343	1 797 694	1 802 106	371 763	26,0
6	Агробанк	1 073 196	1 336 368	1 593 368	520 172	48,5
7	ЎзҚДБ банк	509 869	1 319 115	1 585 740	1 075 871	211,0
8	Азия Альянс банк	461 107	761 592	599 303	138 196	30,0
9	Ҳамкор банк	483 847	738 915	1 074 901	591 054	122,2
10	Капитал банк	489 563	698 279	942 961	453 398	92,6
11	Ипак Йўли банк	528 956	661 419	771 289	242 333	45,8
12	Трастбанк	439 316	541 068	579 674	140 358	31,9
13	Қишлоқ қурилиш банк	365 536	518 111	639 660	274 124	75,0
14	Турон банк	433 461	452 243	414 950	-18 511	-4,3
15	Алоқабанк	357 397	400 728	472 492	115 095	32,2
16	Савдогар банк	173 036	256 844	212 155	39 119	22,6
17	Инвест Финанс Банк	143 905	242 325	315 931	172 026	119,5
18	Микрокредит банк	187 403	221 058	359 291	171 888	91,7
19	Ориент-финанс банк	122 006	209 067	333 035	211 029	173,0
20	Давр банк	23 739	80867,7	102 243	78 504	330,7
21	Туркистон банк	71 304	62 905	84 067	12 763	17,9
22	Равнақ банк	5 132	47967,9	36 540	31 408	612,0
23	Универсалбанк	28 815	47539	54 205	25 390	88,1
24	УТ банк	48 174	43 080	48 828	654	1,4
25	Hi-tech bank	24 344	32 857	3 325	-21 019	-86,3
26	Амирбанк	13 090	12 795	-	-	-
27	Садерат банк	7 772	7920,9	8 241	469	6,0
	Жами	17 672 759	21 706 622	24 621 231	6 948 472	39,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банкларнинг жами депозит 2014 йилга нисбатан 6948472млн.сўмга ошган,фоиз ҳисобида

¹⁹«Ахбор рейтинг» рейтинг агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

эса 39,3 фоизга кўпайган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки тижорат банкнинг ресурс базасини миқдори ошади. Депозитларнинг ошишига асосан йирик тижорат банкларининг депозитларининг ошиши ижобий таъсир кўрсатган. Hi-tech bank ва Турон банкнинг депозит қолдиқлари камайгани салбий таъсир кўрсатган.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи банк капитали самарадорлигининг таҳлили банк капиталининг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилганлиги, банкнинг капитал билан таъминланганлик даражаси ҳамда банк капитали даромадлиги ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашга асосланади.


Банк капитали самарадорлигини белгиловчи тижорат банклари капитали таркибини шаклланиш жараёни таҳлилин келтиришдан олдин республикамиз тижорат банклари капитал миқдорининг ўзгариш динамикасини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Қуйидаги диаграммада кейинги йилларда республикамиз тижорат банклари капитали миқдорининг ўзгариш динамикаси келтирилган:

Тижорат банклари устав капитали нисбатан юқори барқарорликка эга бўлиб, банк қийин молиявий ҳолатга тушганда ундан асосий ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланади. Тижорат банклари устав капитали салмоғини банк пасивлари таркибидаги улушининг барқарор миқдорини таъминлашга эришиш уларнинг молиявий жиҳатдан бақувват бўлишига хизмат қилади.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорини ўрнатади ва банк тизимининг ривожланишига қараб ўзгартириб боради.

Устав фонди энг кам миқдори ўрнатилиши, унга қараб, хавф – хатарлар даражаси аниқланиши билан боғлиқдир. Яъни, айнан шу кўрсаткичга қараб, банк фаолияти бошланғич назорат қилинади.

Устав капиталининг оширилиши чет эллик ҳамкорлар талабига жавоб бериши ва республикаимиз банк тизими барқарор бўлиши асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу эса банк актив операцияларининг ҳажми ва самарадорлигини оширади.



2.3-расм. Тижорат банклари жами капиталининг ўсиш динамикаси²⁰ млрд.сўм

2.3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, тижорат банклари жами капитали кейинги йилларда юқори суръатларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. 2016 йилда банк капитали 2008 йилга нисбатан кескин ошган. 01.01.2017 йил ҳолатига банк капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилгани ҳолда Халқаро Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган нормадан 3 баравар юқорилигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки тижорат банклари капиталини таҳлил қилишда ўзларининг банк тизимидаги ҳолатини кўриш учун ўзларининг тизимдаги ўрнини билиши лозим. Бу тижорат банкка молиявий бозордаги ҳолатини билиши ва мавқеини мустаҳкамлаш учун қандай ишлар олиб бориши кераклигини белгилашда муҳим аҳамият беради ва рақобатчи банкларга нисбатан мустаҳкам ўрин эгаллаш учун замин яратади.

Республикаимиз тижорат банклари капитал таркиби шаклланиш жараёни таҳлилинини қуйидаги жадвал маълумотларида кўриш мумкин:

²⁰ www.cbu.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг хусусий
капитали ўзгариш динамикаси 01.01.2017 йил.²¹**

№	Банклар номи	2014 йил IV чорак якуни бўйича банкларнинг капитали, млн.сўм	Улуш %	2016 йил IV чорак якуни бўйича банкларнинг капитали, млн.сўм	Улуш %
1	ТИФ Миллий банк	891635,3	22,39	1012614,0	17,59
2	ДАТБ "Асака"	586454,1	14,72	801746,7	13,93
3	АТБ Узсаноатқурилишбанк"	335040,3	8,41	727591,8	12,64
4	АТБ "Агробанк"	297810,1	7,48	411095,9	7,14
5	АТБ "Қишлоқ-қурилишбанк"	222458,1	5,58	371912,6	6,46
6	ДТ Халқ банки	274469,7	6,89	349470,3	6,07
7	АТБ "Ипотекабанк"	193689,2	4,86	287320,3	4,99
8	АТБ "Микрокредитбанк"	175929,8	4,42	222006,9	3,86
9	АТБ "Хамкорбанк"	105491,4	2,65	209389,6	3,64
10	Уз КДБ Банк ЁАЖ	77942,2	1,96	196482,5	3,41
11	АТ "Алоқабанк"	105277,5	2,64	151453,6	2,63
12	АТБ "AsiaAlliance Bank"	60228,7	1,51	142243,0	2,47
13	АИТБ "Ипак Йўли"	78510,6	1,97	132740,8	2,31
14	ХАББ "Траст Банк"	70443,2	1,77	111057,0	1,93
15	АТБ "Капиталбанк"	50746,0	1,27	101220,8	1,76
16	АТ "Турон банк"	47748,5	1,20	85091,4	1,48
17	ХАТБ "Orient Finans Bank"	21822,8	0,55	67191,6	1,17
18	ХАТБ "InFinBank"	26669,7	0,67	65598,1	1,14
19	Банк Садерат	39149,0	0,98	65277,6	1,13
20	ЁАЖ УТ Банк	45591,0	1,14	64061,9	1,11
21	АТБ "Савдогар"	48949,4	1,23	62480,2	1,09
22	ХАТБ "Давр банк"	21861,3	0,55	36174,6	0,63
23	ХАТИБ "Туркистон"	17641,7	0,44	23978,9	0,42
24	ХАТБ "Универсалбанк"	15796,5	0,40	20040,4	0,35
25	ХАТБ "Hi-Tech Bank"	17601,3	0,44	19619,9	0,34
26	ХАТБ "Равнақ банк"	14461,7	0,36	19383,5	0,34
	Жами	3 983177,3	100,0	5757244,0	100,0

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики таҳлил қилинган даврда тижорат банкларининг хусусий капиталини ўсиш динамикасини кўришимиз мумкин. ТИФ Миллий банкда 2014 йилда 891635,3 млн.сўмни, 2016 йилда 1012614,0 млн.сўмни, АТБ "Асака"да 2012 йилда 586454,1 млн.сўмни, 2016 йилда 801746,7млн.сўмни, АТБ "Узсаноатқурилишбанк"да 2014 йилда 335040,3 млн.сўмни, 2016 йилда 727591,8млн.сўмни ташкил этгани ҳолда, аксарият бошқа банкларда ҳам ўсиш тенденциясига эга экалигини кўришимиз мумкин. АТБ "Узсаноатқурилишбанк" тизимда 3-ўринда эканлигини ҳам кўрсак бўлади.

²¹ Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана по итогам 2012 года.

Тижорат банклари хусусий капиталининг таҳлили²²(млн.сўм)

№	Пассивлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2014 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Оддий акциялар	1999520	2453140	3048555	1049035
2.	Имтиёзли акциялар	23952	22248	24773	821
3.	Қўшимча капитал	15433	21840	33695	18262
4.	Девальвация захираси	136142	780046	925871	789729
5.	Тақсимланмаган фойда	836609	510301	711736	-124873
6.	Бирламчи баҳосидан ортган қўшимча қиймат	79886	-	0	-79886
7.	Жами хусусий капитал	3091542	3787575	4744630	1653088

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами хусусий капитали 2014 йилга нисбатан 2016 йилда 1653088 млн сўмга ошган. Бунга асосан тижорат банкларнинг оддий акцияларининг 2014 йилга нисбатан 1049035 млн сўмга ошиши, девальвация захирасининг 789729 млн сўмга кўпайгани таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, тижорат банклари қўшимча капитал миқдори 2014 йилга нисбатан 18262 млн сўмга ошиши банк тизими учун ижобий ҳолатдир.

Тижорат банклари жами капитали таркибида захира капиталини юқори салмоққа (19.5%) эга эканлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, тижорат банклари захира капиталининг 80 фоизидан ортиқ қисми девальвация захираси ҳисобига тўғри келади. Девальвация захираси банк иқтисодий қийинчиликларга тушганда ундан чиқиб кетиш учун молиявий ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини етарли даражада бермайди. Чунки ушбу захира реал қийматга эга бўлмаган капиталнинг арзон манбаи ҳисобига вужудга келган бўлиб, уни банкнинг актив пул маблағи ҳисобварақларида манба сифатида кирим қилишнинг имконияти мавжуд эмас.

Тижорат банклари асосий капитали таркибида эмиссия даромадларнинг улуши жуда кичик салмоқни ташкил қилмоқда. Бу эса банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини мамлакат фонд биржаларида

²²«Ахбор рейтинг» рейтинг агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

олди-сотди қилинмаётганлиги билан изоҳланади. Маълумки, эмиссион даромад тижорат банкининг оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳоси билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади. Тижорат банклари оддий ва имтиёзли акциялари қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинмаслиги уларнинг бозор баҳосини шаклландирганига сабаб бўлади.

Бизга маълумки, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида эмиссион даромадлар банкларнинг асосий капитали таркибида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Бунинг боиси, биринчидан, тижорат банклари, қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажмига кўра, ҳукуматдан кейин иккинчи ўринда туради. Юқори даражадаги эмиссия ҳажми йирик миқдорда эмиссион даромад олиш учун бирламчи асосни юзага келтиради. Бундай ҳолатни АҚШ, Япония ва Германия давлатларининг банк амалиётида яққол кузатиш мумкин. Иккинчидан ривожланган хорижий давлатларда тижорат банкларининг асосий қисми тўловга қобил бўлган хўжалик субъектлари сифатида юқори нуфузга эгадирлар, шунинг учун ҳам мазкур мамлакатларнинг тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга нисбатан барқарор талаб мавжуд.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тақсимланмаган фойданинг жами капитал ҳажмидаги салмоғи нисбатан сезиларли салмоқни ташкил этади. Бу эса ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки тақсимланмаган фойда банкнинг барча тўловлари амалга оширилгандан сўнг қоладиган фойда бўлиб, у банк акциядорлари йиллик ҳисобот йиғилишининг қарорига мувофиқ ишлатилади. Тижорат банклари мазкур капитал манбасининг ҳам молиявий жиҳатдан нисбатан барқарор манба таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, банк капитали самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич унинг барқарор манбалар ҳисобидан шаклландиригани ҳамда даромадлилик даражаси ҳисобланади.

2.3. Тижорат банкларида молиявий барқарорлик ва ликвидлик таҳлили

Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини кенг миқёсда ўрганишда иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилади. Кўпинча иқтисодий таҳлил деганда, кўрсаткичларни алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини ўрганиш йўли билан ҳисоб ва бошқа иқтисодий ахборотга баҳо бериш тушунилади. Молиявий ҳисобот таҳлилини мақсади бўлиб, молиявий хўжалик фаолиятига баҳо бериш тушунилади²³. Молиявий ҳисоботни такомиллаштириш жараёнидаги қўлланиладиган таҳлилни таркибий элементларини кўриб чиқамиз.

Ҳисоботни хатолари бўлиши мумкин бўлган моддалари банкнинг олдиндан ҳисобланган кўрсаткичлари билан олдинги йилларни маълумотларини таққослаш орқали аниқланади²⁴. Бундай фарқларни вужудга келишини бир сабаби бўлиб, онгли равишда ҳисоб ва ҳисоботда хатоларга йўл қуйиш ҳисобланади.

Тижорат банкларида молиявий ҳисоботлар таҳлил этилиб, даромадлар манбаларига таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, фоизли даромадларининг ялпи даромадидаги салмоғининг кичиклиги, банкларнинг ресурс базаси заифлиги, ликвидли активларнинг юқори даражада сақланиб қолишлиги, қимматли қоғозлардан келадиган банк даромадлари пастлиги аниқланади.

Тижорат банклари ўз фаолиятининг ликвидилигини мунтазам равишда таҳлил қилиши, баҳолаши ҳамда маъкул бошқарув қарорларини қабул қилиши лозим. 1998 йилдан бошлаб барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг талаб қилиб олингунча мажбуриятлари суммаси нисбатига ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган ҳолда аниқланади. Ушбу кўрсаткич 0,3 ёки 30% миқдориди республика тижорат банклари учун мажбурий ўрнатилгандир.

Ликвидлик кўрсаткичларининг юқори бўлиши бир томондан банкни ишончлилигини таъминласа, иккинчи томондан банкнинг ресурслари ва

²³ Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. –Т.: ТФИ, 2004. -68 стр

²⁴ Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб.пос. - М., 2004. - 231 с

банкнинг актив операциялари яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Банк тизими барқарор фаолият олиб бориши учун тижорат банклари фаолиятини характерловчи ва риоя этилиши мажбурий бўлган, қолаверса, банклар ликвидлигига таъсир этадиган қуйидаги иқтисодий меъёрлар белгиланган:

-янги ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатаётган банклар учун капиталининг минимал миқдори;

-капитал етарлилиги меъёри;


-бир қарздорга тўғри келадиган максимал даражаси;

-банклар йирик кредитлари максимал даражаси;

-бир кредиторга тўғри келадиган максимал даражаси;

-қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларда банклар инвестицион фаолияти чегаралари ва бошқалар.

Тижорат банкларининг ўз мажбуриятларининг ўз вақтида бажара олиши банкнинг жорий ликвидлик коэффиценти билан боғлиқдир. Буни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



2.4-расм. Тижорат банклари жорий ликвидлик коэффиценти динамикаси²⁵


Расм маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банкларининг жорий ликвидлик коэффиценти 4 йил муддат бўйича таҳлил

²⁵ “Ахбор рейтинг” рейтинг агентлиги 2017 йил № 46 –сон маълумотлари

киламиз. Жорий ликвидлик коэффициенти маълум муддатларда ошиш ёки камайиш тенденцияга эга бўлган. 2013 йилда жорий ликвидлик коэффициенти апрел ойида 61,30% ни, июль ҳолатига 66,13%га, октябрь ҳолатига эса 66,65%га ошиб, 2013 йил охирига келиб эса йил бўйича энг юқори 69,61% ошган. 2014 йилни таҳлил қиладиган бўлсак, апрел ойида 73,14%ни ташкил этган бўлса, йил охирида 75,95% га ошган. 2015 йилга келиб эса тижорат банкларининг жорий ликвидлилик коэффициенти йил бошида 75,95%ни ташкил қилган бўлса йил охирига келиб бироз пасайган. 2016 йилда апрель ойидан июл ойигача кескин пасайиб 62,72%ни ташкил қилган, йил охирида 63,71 фоизни ташкил қилган.

Тижорат банкларининг жорий ликвидлигининг меъёри 30 %ни ташкил этиши керак. Юқоридаги расмдан кўринмоқдаки, барча тижорат банклари жорий ликвидлик даражасини меъёрида тўлиқ бажарган.

Энди республикамиз тижорат банклари жорий ликвидлик даражасига баҳо берамиз.



2.5-расм. Тижорат банкларининг жорий ликвидлик даражаси (2017 йил 1 январ ҳолатига)²⁶

Расмга асосан, энг кам жорий ликвидлик даражасига Ni Tech Bank 24,84%ни, Садогарбанк 30,58%ни, Туронбанк 42,48 %ни, Агробанкда эса

²⁶ “Ахбор рейтинг” рейтинг агентлиги 2017 йил № 46–сон маълумотлари асосида

40,83 %ни ташкил қилган. Энг юқори жорий ликвидлик даражасига Содерат банкда эса 176,25 %ни, Саноат қурилиш банк 92,38%ни ва AziaAllians Bank 92,23 %ни ташкил қилган. Жорий ликвидлик даражасини хаддан ошиб кетиши тижорат банкнинг даромадлигига салбий таъсир кўрсатади. Қолган тижорат банклари ўртача 50-60 % даражасида сақлаб келинмоқда.

Умумий ҳолда тижорат банкларимиз жорий ликвидлик коэффициенти даражаси ошиш тенденциясига эга.

Марказий банк мажбурий бўлган жорий ликвидлик меъеридан бошқа меъёрларни ҳар бир банк мустақил ҳисоблашни тавсия этади. АТБ «Саноатқурилишбанк» нинг ўз фаолиятида қўшимча ликвидлик меъёрларига амал қилишини 2.10-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.10-жадвал

АТБ «Саноатқурилишбанк» айрим ликвидлик меъёрларининг йиллар бўйича бажарилиши, (фоиз ҳисобида)²⁷

№	Қўшимча ликвидлик меъёрлари	2012	2013	2014	2015	2016
1	Лаҳзалик ликвидлик меъёри (min 25%)	40	45	32	28	33
2	Қисқа муддатли ликвидлик меъёри (max100%)	95	98	81	84	82

АТБ «Саноатқурилишбанк» ликвидликни бошқаришда ўзининг мустақил сиёсатини олиб боради ва юқоридаги лаҳзали, қисқа муддатли ликвидлик меъёрларини ҳисоблайди. Юқоридаги жадвал маълумотларидан, 2012 йил ҳолатига лаҳзалик ликвидлик меъёри 15% га ортиқча ҳамда 2013 йил 31 декабрь ҳолатига 20% ортиқча бўлган. Албатта, бу кўрсаткичлар банкнинг ўша онда ўз мажбуриятларини бажаришга маблағлар етарлиги, қолаверса ортиқча эканлиги кўриниб турибди. Йиллар кесимида АТБ «Саноатқурилишбанк» нинг бошқарув қарорлари нечоғли тўғри эканлигини 2016 йил ҳолатига келиб лаҳзали ликвидлилик меъёри атиги 8% га ортиқча бўлганлигинининг ўзи тасдиқлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мажбурий захира суммаси бу кўрсаткичнинг юқори бўлишига хизмат қилмоқда.


²⁷ АТБ «Саноатқурилишбанк» молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Банклар фаолиятида улардан фойдалана олмаслигини ҳисобга олиб, улар банкнинг ликвидлигини эмас, балки тўлов қобилиятини таъминлайди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, банк ликвидлигини баҳолашда Марказий банкнинг “Тижорат банклари капиталининг етарлиликка кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом талабларини ҳам бажариши лозим.

Ушбу низом талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, капиталнинг етарлилик коэффициенти мин 10% (ҳисоб-китоб қилинган капитал/рискка тортилган активлар), I даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти мин 5% (ҳисоб-китоб қилинган капитал/рискка тортилган активлар) ва левераж мин 6% (ҳисоб-китоб қилинган капитал/банк активлари) ни ташкил қилиши лозим.

Қуйида келтирилган расм маълумотларидан кўриниб турибдики 2013-2016 йиллар мобайнида тижорат банкларининг асосий капитал етарлиги белгиланган меъёрдан анча юқори бўлган. Жумладан 01.10.2016 йилда энг паст 14,26 фоиз бўлганда ҳам белгиланган меъёрдан 4,26 фоизга кўпдир.




2.6-расм. Тижорат банклари асосий капитал етарлилиги (%да)²⁸

I даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти ҳам 2013-2016 йиллар мобайнида Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрдан юқори бўлган.

²⁸ “Ахбор рейтинг” рейтинг агентлиги 2017 йил № 46 –сон маълумотлари асосида

Расмдан кўриниб турибдики I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти хар чоракда тушиб кўтарилиб турибди.



2.7-расм. Тижорат банклари I даражали капитал етарлилиги (%да)²⁹

Молиявий барқарорликни белгилаб берувчи ушбу коэффицентларнинг кандай холатда эканлигини АТБ «Саноатқурилишбанк» мисолида кўриб чиқсак.

2.11-жадвал

АТБ «Саноатқурилишбанк»нинг капитал етарлигига қўйилган талабларнинг бажарилиши таҳлили³⁰

№	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016
1	Капиталнинг етарлилик коэффиценти мин 10% (ҳисоб-китоб қилинган капитал/рискка тортилган активлар)	24.56%	18.92%	16.75%	13.69%	12.90%
2	I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти мин 5%(ҳисоб-китоб қилинган капитал/рискка тортилган активлар)	21.03%	15.53%	13.69%	11.24%	13.18%
3	Лeverаж мин 6% (ҳисоб-китоб қилинган капитал/банк активлари)	9,5%	8,2%	6.36%	6.22%	7,0%

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики АТБ «Саноатқурилишбанк»нинг 2012-2016 йилларда капитал етарлигига

²⁹ «Ахбор рейтинг» рейтинг агентлиги 2017 йил № 46 –сон маълумотлари асосида

³⁰ АТБ «Саноатқурилишбанк» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

қўйилган талаблар тўлиқ бажарилган. Левераж коэффициенти 2012 йилда 9,5 фоизни ташкил қилган бўлса 2016 йилга келиб 7.0 % га тушганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга белгиланган меъёр 6% қилиб белгиланган бўлса мазкур меъёр бажарилмоқда. Бу банкнинг ликвидлигини таъминлашда алоҳида ўрин касб этади.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатига ва ликвидлигига баҳо беришда иккита ҳисобот шакли –баланс ҳисоботи ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари нихоятда муҳим аҳамиятга эга ҳисобот шакллари ҳисобланади. Шу сабабли банкнинг молиявий ҳолати барқарор эканлиги тўғрисида юқори малакали фикр юритиш учун шу масалалар билан шуғулланувчи банк ходимларидан юқори малака талаб қилинади. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш банк ходимлари учун тижорат банклари активларни бошқариш тўғрисида асосланган қарорни қабул қилишга имкон беради. Молиявий ҳисоботни таҳлил қилишда энг муҳим масала банкнинг ўтган даврдаги ва ҳозирги даврдаги молиявий ҳолати ва уларнинг молиявий ҳисоботда қандай акс эттирилиши ҳисобланади.

Банк баланси яъни банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ресурсларнинг таркиби, сифати ва фойдаланилиш даражаси, банк фаолиятининг самарадорлиги тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини берувчи ҳужжатдир. Кунлик банк баланси 6 қисмга бўлинади: активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар, харажатлар ва балансдан ташқари ҳисоб рақамлар.

Банк баланси ликвидлигини таъминлаш унинг ликвидлигини таъминлашга замин яратади. Шу ўринда баланс ликвидлиги тушунчасига аниқлик киритсак.

Банк баланси ликвидлиги деб - банк активлари тезда пул маблағларига айланган ҳолда унинг пасивларида муддатли мажбуриятларини қоплаш қобилиятига эга бўлган банкларнинг балансига айтилади.

Баланс ликвидлилигининг муҳим белгиларига: ликвидлилик нуктаи назардан баланс актив ва пассив структурасини иқтисодий асосланганлиги, уларнинг бир бирига суммаси ҳамда муддатининг мос келиши, актив ва пассивларнинг сифат характерларига риоя қилиш.

Бугунги кунда ҳар бир тижорат банки ўзининг мажбуриятларини бажариши, ликвидлилик талабларига жавоб бериши учун банкнинг барча активларини қайтарилиш муддатига кўра, ликвидлилик даражаси бўйича гуруҳларга бўлиб чиқади.

Банкнинг баланс ликвидлилигига активларнинг таркибий тузилиши таъсир қилади ва умумий активларда ликвидли активлар салмоғининг юқорилиги, банк ликвидлилик даражасининг ҳам юқорилигини билдиради. Банк активлари, уларнинг ликвидлилик даражаси бўйича қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

а) юқори ликвидли активлар (кассадаги нақд пуллар, вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, Марказий банкдаги мажбурий заҳирадаги маблағлар ва давлат қимматли қоғозлари (ДҚК));

б) пул маблағларига айлантирилиши мумкин бўлган банк ихтиёридаги ликвидли активлар (кредитлар ва банк фойдасига яқин 30 кун ичида тўланадиган бошқа тўловлар);

в) ноликвид активлар – муддати ўтган кредитлар ва ишончсиз қарзлар, банкка тегишли бино ва иншоотлар ҳамда бошқа асосий воситалар, шунингдек узоқ муддатли ссудалар ва кўчмас мулклар.

Банкнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги бир-бирига ўзаро тескари мутаносибликда бўлиб, банкнинг ликвидлилигини таъминлаш ва самарали бошқариш мақсадида ушбу мутаносиблик мувозанатини сақлаш, яъни энг мақбул нуктасини аниқлаш лозим. Бу эса банкнинг бошқарувига сифат жаҳатидан баҳо беради.

Ликвидли активлар қуйидаги уч хусусиятга эга бўлиши лозим:

а) пул маблағига зудлик билан айланиш имкони, ўз бозорига эга бўлиши;

б) барқарор баҳоларга эга бўлиши, яъни сотиладиган барча активларнинг баҳоси бозорда сезиларли ўзгармаслиги;

в) айлана олиш қобилиятига, яъни бошланғич инвестициялар йўқотишларсиз ёки минимал хавф-хатар билан пул маблағларига айланиш имкониятига эга бўлиши.

Шу ўринда банк тизимида банк ликвидлигини баҳолашда “Ahbor-Reyting” агентлиги томонидан қўлланилаётган кўрсаткичларни ўрганиб чиқсак.

2.12-жадвал

Банк тизими ликвидлигининг айрим кўрсаткичлари таҳлили³¹

№	Кўрсаткичлар	2015	2016	Ўзгариши
1	Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши	16,84	14,53	-2,31
2	Ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши	28,39	22,71	-5,68
3	Юқори ликвидли активларнинг талаб қилиб олингунча мажбуриятлардаги улуши	48,89	46,97	-1,92
4	Ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятлардаги улуши	82,39	73,42	-8,97
5	Мижозлар маблағларининг жами ссудалардаги улуши	95,13	81,70	-13,43

Банк тизими ликвидлиги кўрсаткичлари 2014 йилда 2013 йилга нисбатан пасайган. Бу банк тизими ликвидлиги даражаси пасайганлигидан далолаб беради. Шундай бўлсада умумқабул қилинган талабларга жавоб беради деб айтиш мумкин.

Банк баланси ликвидлигини баҳолашда баланснинг актив ва пасив томонларнинг муддати бўйича мос келиши ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тижорат банкларининг Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланади. Жумладан, Марказий банк томонидан 2004 йил 6 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0024AAL «Банк

³¹ АТБ «Саноатқурилишбанк» маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

активлари таҳлили» ва 0026AAL «Банк мажбуриятлари таҳлили» шаклларидадан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда банкнинг баланси ликвидлигини баҳолаш унинг актив ва пассив томонининг сифатига боғлиқ бўлади ҳамда уларнинг ижро этиш муддатларининг ўзаро мутаносиблиги баланс ликвидлигини таъминлашда катта рол ўйнайди.

II боб бўйича хулоса

Магистрлик диссертациясининг “Тижорат банкларида таҳлилни ташкил этиш ва унинг асосий йўналишлари” бобида куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Банк актив ва пассив операциялари ҳолати, динамикаси, самарадорлиги каби масалалар доимий равишда таҳлил этилмоғи лозим. Шу билан бирга активларнинг ликвидлиги, даромадлиги ва рисклилиқ даражаси, пассивлар барқарорлиги, капитал етарлилиги таҳлили фаолият мувоффақиятининг гарови ҳисобланди. Банк активларининг унинг пассивлари билан мутаносиблигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2. Тижорат банкларининг жами активлари охириги 5 йил давомида 2,3 бараварга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 80,4 трлн. сўмга етди. Банк активлари юқори ўсиш тенденциясига эга. 2012 йилдан 2016 йилга қадар ҳар йили ўртача 22,5 фоизга ўсган.

3. Тижорат банклари жами активлари ва берган кредитлари 2016 йилда ўтган йилларга нисбатан ошган. Кредитларнинг активлар таркибидаги салмоғи 2016 йилда 66,4 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 9,4 фоизга кўпайган.

4. Банк активлар таркиби дейилганда баланс якунига кўра ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушунилиб, банкнинг актив ва мажбуриятлари риск, даромадлилик ва ликвидликка таъсири нуқтаи назаридан таққослама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5. 2017 йил 1 январь ҳолатига АТБ «Саноатқурилишбанк» активлари 10308,9 млрд. сўмни ташкил қилиб 2015 йилга нисбатан 1485,9 млрд. сўмга кўпайган. Бундаасосан кредитларнинг 1545,8 млрд. сўмга, нақд пуллар суммаси 268,8 млрд. сўмга банкнинг ЎзР МБдан олиши лозим бўлган суммаларининг 119,6 млрд. сўмга кўпайиши сабаб бўлган. Банкнинг соф кредитлар ва бўнаклари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 2,5 фоизга ўсиб ўртача 83,1 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолат банк активлари яхши диверсификация қилинмаганлигини кўриш мумкин.

6. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи банк капитали самарадорлигининг таҳлили банк капиталининг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилганлиги, банкнинг капитал билан таъминланганлик даражаси ҳамда банк капитали даромадлилиги ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашга асосланади.

7. Тижорат банклари жами капитали кейинги йилларда юқори суръатларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. АТБ «Узсаноатқурилишбанк»да 2014 йилда 335040,3 млн.сўмни, 2016 йилда 727591,8млн.сўмни ташкил этгани ҳолда, аксарият бошқа банкларда ҳам ўсиш тенденциясига эга экалигини кўришимиз мумкин. АТБ «Узсаноатқурилишбанк» тизимда 3-ўринда эканлигини ҳам кўрсак бўлади.

8. Банк тизими барқарор фаолият олиб бориши учун тижорат банклари фаолиятини характерловчи ва риоя этилиши мажбурий бўлган, қолаверса, банклар ликвидлигига таъсир этадиган иқтисодий меъёрларнинг бажарилиши доимий таҳлил қилиб борилиши лозим.

9. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш банк ходимлари учун тижорат банклари активларни бошқариш тўғрисида асосланган қарорни қабул қилишга имкон беради. Молиявий ҳисоботни таҳлил қилишда энг муҳим масала банкнинг ўтган даврдаги ва ҳозирги даврдаги молиявий ҳолати ва уларнинг молиявий ҳисоботда қандай акс эттирилиши ҳисобланади.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

3.1. Тижорат банклари фаолиятини Базель III стандарти талаблари асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатларини бартараф этиш шароитида барча мамлакатларда, шу жумладан, республикамизда ҳам банк тизимининг барқарорлигига асосий эътибор қаратилди. Халқаро миқёсда йирик 20 малик мамлакат вакиллариининг йиғилишларида жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатларини бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилди. Бўлиб ўтган йиғилишларда қабул қилинган қарорларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларда халқаро молия институтларининг мавқеини янада ошириш кўзда тутилган³².

Жумладан, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Базель қўмитасининг банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги талабларини қайта кўриб чиқиш таклифи маъқулланган. Шундай қилиб, Халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги “Базель III” талаблари ишлаб чиқилди ва 2019 йилгача босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши тавсия қилинди.

Бинобарин, банк капитали ва ликвидлигини тартибга солиш хусусида кўйидаги тавсиялар белгиланди:


–банк капитали сифати ва шаффофлигини ошириш юзасидан амалдаги стандартларни (Базель II) қайта кўриб чиқиш, хусусан, I даражали капиталнинг муҳим ва етакчи шакллари сифатида оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш;

–капитал етарлилигини баҳоловчи қўшимча кўрсаткич – левераж коэффициентини (ўз маблағлари ва қарз маблағлари нисбати) киритиш. Бунда коэффициентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъёрий даражаси 3 фоиз этиб белгиланган;

³²“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил

–даврий салбий таъсирни камайтириш мақсадида иқтисодий ўсиш фазасида регулятив капиталга қўйилган минимал талаблардан ошадиган капитал захирасини шакллантиришга нисбатан қўшимча талабларни жорий этиш, шунингдек, эҳтимолий йўқотишларга нисбатан захираларни шакллантириш.

Тижорат банк капиталини шакллантириш ва етарлилигини бўйича Базель III қуйдаги янги талаб қўйилган:



3.1–расм. Базель III стандартларида капитал етарлилиги 2019 йилгача босқичма-босқич жорий қилиниши белгиланган³³

Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар, жумладан «Буфер капитали» деб умумий ном олган иккита:

- консервацион буфер;
- контрциклик буфер капитали тушунчалари киритилмоқда.

«Буфер капитали» фақат биринчи даражали капитал элементларидан ташкил топади.

Базел III кўра банкларда капиталнинг химоявий «консервация «буфери» жорий этилади. Капиталнинг химоявий консервация «буфери» рискка тортилган активларга нисбатан 2,5 фоизни ташкил этадиган қўшимча захирадан иборатдир.

³³ www.bis.org – “STrengthening The resilience of The banking secTor”, December 2009

«Буфер капиталини» шакллантириш муддати 2016 йилдан бошланиб 2019 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Аввало, биринчи даражали ва умумий капитал меъёрлари бажарилгандан кейингина, буфер капитални шакллантириш мумкин бўлади.

«Буфер капиталини» шакллантирмаган банклар учун жазо чораларини қўллаш тавсия этилади. Буфер капиталини шакллантирмаган банклар учун жазо чоралари дивиденд ва бонус тўловларини қисқартириш ёки умуман чеклаш билан амалга оширилади³⁴.

3.1-жадвал

Буфер капитали учун чекловлар

Буфер капитали,%	Чекловлар,%
$0 < B < 0.625$	100
$0.625 < B < 1.25$	80
$1.25 < B < 1.875$	60
$1.875 < B < 2.5$	40
$B < 2.5$	0

Консервацион капитал иқтисодий, молиявий инқирозлар даврида банклар зарарларини қоплаш учун ўзига яраша қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда. Контрциклик капитал ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, 0-2,5 фоиз доирасида белгиланади.

Контрциклик буфер тижорат банкларини циклли инқирозларга қарши захира сифатида шакллантириш режалаштирилган. Шунингдек мазкур захира кредитлаш ҳажмининг кескин ошишига тўсқинлик қилади.

Контрциклик буферни шакллантириш муддати 2016 йилдан бошланиб 2019 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Контрциклик буфер рискка тортилган активларга нисбатан 0 % дан 2,5 фоизигача ҳажмда ташкил этилади. Контрциклик буфер фақат биринчи даражали капитал элементларидан ташкил топади.

³⁴ www.cbu.uz – ЎзР МБ нинг расмий веб-сайти муаллиф томондан таёрланди.

Мазкур захира капитали доимий характерга эга эмас, уни шакллантириш ва бекор қилиш қарорлари регулятор томонидан қабул қилинади.

Контрциклик буферни жорий қилиш бўйича қарорни қабул қилишга Қўмита қуйидагича методикани тақдим этди:

- Кредитлар ҳажмини ЯИМга нисбатини аниқлаш;
 - Кредитлар ҳажмини ЯИМга нисбатининг чизиқли трендини аниқлаш;
 - Олинган кўрсаткичлар ва чизиқли тренд фарқларини ҳисоблаш (GAP);
- GAP кўрсаткичларини контрциклик капитал миқдорига трансформация қилиш.

Мамлакат банк тизимининг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сон Қарорининг қабул қилиниши билан юртимиз банк тизимини ривожлантиришнинг келажакдаги режалари белгилаб берилди. Хусусан, мазкур Қарор билан Марказий банкка банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель-III стандартларини 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юклатилди.

Бундан ташқари, 2015 йил 13 июнда Марказий банк Бошқарувининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги ”ги Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 14/3-сонли Қарори³⁵ қабул қилинди. Ушбу Низомга ҳам банк назорати бўйича Базель Қўмитасининг янги тавсиялари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси банк тизимида жорий этилиб борилади.

Хусусан, банкнинг I даражали капитали икки қисмга, яъни I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капиталга бўлинди. I даражали асосий капитал регулятив капиталнинг 60 фоизидан кам бўлмаслиги ҳамда I

³⁵www.cbu.uz – ЎзР МБ нинг расмий веб-сайти маълумотлари

даражали капитал (Т1) регулятив капиталнинг (ТС) 75 фоизини ёки ундан кўпини ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Банк I даражали асосий капитали таркибига тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар, тақсимланмаган фойда ва девальвация захираси киритилган.

Шунингдек, барқарор капитал базасини шакллантириш мақсадида, регулятив капиталдан қилинган чегирмалар I даражали капиталдан чегирилади.

Тижорат банк капиталини ошириш мақсадида ҳамда Базель III тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3 % дан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капиталини, I даражали капиталини ва I даражали асосий капиталини йилма-йил ошириб бориши кўзда тутилган.

Жумладан, 2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти (К1)нинг энг кичик даражаси 0,115 (11,5 %) миқдорида белгиланган бўлиб, банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3% миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўрсаткич 2017 йил 1 январдан 0,125 (12,5 %), 2018 йил 1 январдан 0,135 (13,5 %) ва 2019 йил 1 январдан бошлаб К1 нинг энг кичик даражасини 0,145 (14,5 %) миқдорида таъминлашлари лозим.

Капиталнинг монандлик даражаси талаблари билан бир қаторда банклар I даражали капитални номоддий активларни чегириб ташланган ҳолда балансдан ташқари воситалар ва ҳосилавий (дериватив) воситалар қўшилган умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланадиган левераж коэффиценти (Leverage ratio) риоя этишлари керак.

Яъни: $K3 = I \text{ даражали капитал} / (\text{Умумий активлар} + \text{Балансдан ташқари воситалар} + \text{Ҳосилавий (дериватив) воситалар} - \text{Номоддий активлар})$.
Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 %)га тенг.

Ушбу низомларга асосан мамлакатимиз банклари Базель-III стандартларига босқичма-босқич ўтишини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

3.2-жадвал

Ўзбекистонда тижорат банклари капитал етарлилигига қўйилган талабларнинг кучга кириш санаси³⁶

Кўрсаткичлар	Кучга кириш санаси				
	2015	2016	2017	2018	2019
Умумий капитал, (K1)*	10%	11,5%	12,5%	13,5%	14,5%
I даражали капитал, (K2)*	7,5%	8,5%	9,5%	10,5%	11%
I даражали асосий капитал	6%	7%	7,5%	8,5%	9,5%
Левераж коэффициенти, (K3)	6%	6%	6%	6%	6%

Капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда.

Тижорат банклари капитал базасини назорат қилишда Базель стандартларига асосан иқтисодий меъёр ўрнатилган.

1. Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти.

Ушбу коэффициент (K1) қуйидагича ҳисобланади:

$$K_1 = PK / T\text{XOAUC} \quad (2.9)$$

Бунда, таваккалчиликка асосланган капиталнинг умумий суммаси (ТХОАУС) чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда I даражали капитал ва II даражали капитал йиғиндиси сифатида аниқланади.

II даражали капитал қуйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) хатарни ҳисобга олган ҳолда активлар суммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захира;

в) ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар. I даражали капиталга киритилмаган

³⁶ www.cbu.uz – ЎзР МБ нинг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


аралаш турдаги мажбуриятлар, жумладан, имтиёзли акциялар агарда улар қўйидаги шартларга жавоб берсалар, II даражали капиталга киритилиши мумкин: тўлиқ тўланган бўлиши керак, гаров билан таъминланмаган, банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозиторлари талаблари қондирилганидан сўнг қондирилиши, акция эгасининг ташаббуси билан ва олдиндан олинган Марказий банк рухсатисиз тўланиши мумкин эмас, банкнинг ҳар қандай зарарларини қоплаши ва банкни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ҳуқуқини бермаслиги, агар банк охириги 3 чорак мобайнида фойда олмаган бўлса, эмитент хоҳишига кўра ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар (фоизлар) тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивидендлар (фоизлар)ни тўлаш муддати кечиктирилиши мумкинлиги.

г) субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 20 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- гаров таъминотига эга бўлмаслик;
- банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;
- бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши.

д) банкнинг устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвация учун захиралар.

К1 нинг умумий капитал минимал рухсат этилган даражаси:



3.2-расм. АТБ “Саноатқурилишбанк” умумий капитал етарлилик кўрсаткичлари динамикаси³⁷, йил бошига, фоизда

АТБ “Саноатқурилишбанк”да умумий (регулятив) капитал етарлилиги коэффиценти ўрнатилган миллий ва халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради. Ушбу кўрсаткичда ҳам охириги йилларда бироз пасайишни кузатишимиз мумкин. Буни банк активларининг ўсиши билан боғлаш мумкин.

2. I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти. (K2)

I даражали капиталнинг етарлилик даражаси қуйидагича аниқланади:

$$K_2 = I \text{ даражали капитал} / \text{ТҲОАУС} (2.10)$$

Бунда, **ТҲОАУС** - таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммаси;

I даражали капитали таркиби қуйидагилардан иборат:

а) тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялар,

б) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялармуайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас, эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас, банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин, улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган (нокумулятив) дивидендлар тўланмайди;

в) қўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми) — оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;

г) тақсимланмаган фойда (капитал захиралар, аввалги йиллар


³⁷ АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

таксимланмаган фойдаси, жорий йил зарарлари)

д) озчилик акция эгаларининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақларидаги улуши.

е) банкнинг устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвацияга захирадир.

I- даражали капиталнинг минимал рухсат этилган даражаси:



3.3-расм. АТБ “Саноатқурилишбанк” I даражали капитал етарлилик кўрсаткичлари динамикаси³⁸, йил бошига, фоизда

АТБ “Саноатқурилишбанк” I даражали капиталнинг етарлилик кўрсаткичи халқаро Базель талаблардан 2 баробар юқори. Лекин охириги йилларда ушбу коэффициентнинг пасайганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабини банк активларининг, хусусан, рискка тортилган активлар ҳажмининг ошиши билан изоҳлашимиз мумкин.


3. Лавераж коэффициенти .

$K3 = \text{I даражали капитал} / (\text{Умумий активлар} - \text{номоддий активлар})$

Лавераж – бу банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари номоддий активлар ва Гудвилл чегириб ташланган I даражали капиталнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланадиган лавераж коэффициентиға риоя этишлари керак:

³⁸ АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Левераж коэффициентининг минимал рухсат этилган даражаси 0.06 га тенг:



3.4-расм. АТБ “Саноатқурилишбанк”нинг левераж коэффициенти кўрсаткичлари динамикаси³⁹, йил бошига, фоизда

Расмда кўриб турибмиз АТБ “Саноатқурилишбанк” левераж коэффициенти ўрнатилган меъёрдан бироз ортиқча бўлиб, охирги йилларда камайишини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига халқаро Базель андозаларидан фарқли ўлароқ, банкнинг устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девальвация захираси алоҳида манба сифатида эътироф этилади. Шунингдек, тижорат банкларининг жорий йилдаги соф фойдаси иккинчи даражали капитали таркибига киритилган.


3.2. Банклар фаолияти таҳлилни такомиллаштириш йуналишлари

Ҳар қандай банк тизимининг барқарорлигини, тўловга қобиллиги ва ишончилигини таъминлашда, банк активларини ўстиришда банк капитали муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фақатгина етарлича миқдорда барқарор капиталга эга тижорат банклари актив операцияларини эркин амалга оширишлари, талаб этилган даражада ликвидликни доимо сақлаган ҳолда самарали фаолият юритишлари ҳамда молия бозорларига эркин чиқиш имкониятига эга бўлишади. Шу билан бир қаторда мустаҳкам базага эга банк

³⁹ АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

капитали бўлиши кутилаётган ва олдиндан билиб бўлмайдиган рискларни олдини олиш, улар таъсирини камайтириш учун хизмат қилади.

Тижорат банклари йиллик фаолияти натижаларини таҳлил қилишни такомиллаштиришда банкларни баҳолашнинг бугунги кунда халқаро амалиётда ўрин олган усулларида бири ҳисобланган «CAMELS» рейтинг тизимидан кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



3.5-расм. CAMELS рейтинг тизимини баҳолаш мезонлари қуйидаги компоненти⁴⁰

CAMELS рейтинг тизими – АҚШ тижорат банкларини баҳолаш тизими бўлиб, банклар фаолиятини назорат қилувчи органлар Федерал резерв тизими, Валюта назорати бошқармаси, Депозитларни суғурталаш Федерал Корпорацияси томонидан 1978 йилда ишлаб чиқилган.

Банклар фаолияти ва ишончилигини баҳолашни «CAMEL» рейтинг тизими мисолида кўриб чиқамиз. Унга биноан банклар “5” балл бўйича баҳоланади. Назоратдан ўтган банкка ҳар бир компонент бўйича алоҳида рейтинг баҳоси берилиб, сўнгра барча фаолият бўйича умумий рейтинг баҳоси асосида баҳоланади. Рейтинг баҳосининг энг юқори даражаси “1” кўрсаткичи билан белгиланиб, бунда қайси компонентда бундай баҳо

⁴⁰ Бадалов Б.М. “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш” фанининг Ўқув-услубий мажмуаси.

берилса, демак у халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб бериш даражасида ташкил этилганлигидан далолат беради.

«CAMEL» рейтинг тизимининг асосий жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

3.3-жадвал

«CAMEL» омиллари тавсифи⁴¹

№	Омиллар	Изоҳ
1.	“C” (Capital adequacy)	– Капиталнинг етарлилиги , яъни банкнинг ўз мижозларини кафолатлаш учун зарур бўлган хусусий сармояси миқдори. Етарли сармояга эга бўлган банклар жиддий зарар кўрган тақдирда ҳам мижозлар ўз пулларидан ажраб қолишларига йўл қўймайди.
2.	“A” (Asset quality)	– Активлар сифати . Бу омил активларнинг даражасини ва баланسدан ташқари моддаларни, шунингдек гумонли активлар ва зарарларни таснифлаш асосида муаммоли қарзларнинг молиявий таъсирини аниқлайди.
3.	“M” (Management quality)	– Банкни бошқарув сифати . Бу кўрсаткични таҳлил қилиш ёрдамида иш самарадорлиги, банк сиёсати, қонун ва йўриқномаларга амал қилиш даражаси баҳоланади. Ва шу асосда банк сиёсатининг қай даражада мақсадга мувофиқ шакллантирилганлиги, унинг ёзма равишда белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилганлиги ва унга риоя қилинганлиги аниқланади. Шу сабабли менежмент сифатини таҳлил этиш энг охирида амалга оширилади.
4.	“E” (Earning record)	– Банкнинг даромадлилик даражаси . Бу банкнинг келгусида ўсиши учун етарли бўлиши нуктаи назаридан унинг даромади ёки фойдасини тавсифловчи омил- кўрсаткичдир.
5.	“L” (Liquidity)	– Банкнинг ликвидлилик даражаси . Бу банкнинг оддий ва кутилмаган мажбуриятларни йўқотишларсиз бажараолиш учун зарур даражада маблағ билан таъминланганлигини тавсифловчи кўрсаткичдир.

CAMEL тизимининг илк компоненти **C** – Capital adequacy - капитал етарлилигидир. CAMEL тизимида аудитор текширувни тижорат банкнинг таъсис ҳужжатларини ўрганишдан ва унинг устав капиталини шакллантирилиш тўғрилигини, капитал таркибини ҳамда назорат органлари томонидан ўрнатиладиган капитал етарлилиги меъёрларига амал қилинишини текширишдан бошлайди. Бунда банк капиталининг икки томонини, яъни статистик ҳамда динамик томонини кўрсатиб ўтиш керак.

«CAMEL» рейтинг тизими бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш. Ушбу тизимда капиталнинг етарлилиги Базель

⁴¹ Ахбор рейтинг маълумотлар асосида тузилган.

кўмитасининг капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган талабларига асосланган. Шу сабабли, капиталнинг етарлилиги икки коэффициент – умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффициенти орқали баҳоланади. Мазкур рейтинг тизимида капитал тижорат банкларининг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигини таъминлашнинг ишончли воситаси ҳисобланади.

Шу сабабли, CAMELS рейтинг тизимида асосланган инспекцион текшириш жараёнида тижорат банкларининг капитал базасида юз берган ва бераётган ўзгаришларни таҳлил қилишга, сабабларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқчора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

3.4-жадвал

Тижорат банклари капитали етарлилиги даражасини CAMEL тизими бўйича баҳолаш⁴²

Рейтинг	1 даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти/ (риска тортиладиган активлар)	Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти/ (риска тортиладиган активлар)
Рейтинг 1	4 % дан анча юқори	8 % дан анча юқори
– капитал кўрсаткичлари гуруҳ банклари ичида энг яхшиси бўладиган бўлса; – Банкни инспекцион текширувда банк активлари сифати юқори баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 2	4 % дан сезиларли даражада Юқори	8 % дан сезиларли даражада юқори
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида ўртачадан юқори бўлса; – Банкни инспекцион текширувда банк активлари сифати ўртачадан юқори ёки қониқарли баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 3	4 % даражасида	8 % даражасида
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида энг камида ўртача бўлса; – Банкни инспекцион текширувда банк активлари сифати ўртача деб баҳоланган бўлса.		
Рейтинг 4	4 % дан сезиларсиз даражада Паст	8 % дан сезиларсиз даражада паст
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида ўртачадан паст бўлса; – Банкни инспекцион текширувда банк активлари сифати яққол кучсиз ёки муаммоли бўлса.		
Рейтинг 5	4 % дан сезиларли даражада Паст	8 % дан сезиларли даражада паст
– капитал кўрсаткичлари бўйича гуруҳ банклари ичида энг паст бўлса; – Банкни инспекцион текширувда банк активлари сифати чегаравий ёки қониқарсиз деб баҳоланган бўлса.		

Капитал етарлилик даражасининг статистик қиррасини жуда оддий тушунтирса бўлади. Бунга асосан Марказий банклар томонидан янги

⁴²“Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш” фанининг Ўқув-услубий мажмуаси. – Т.: Молия.

очиლაётган тижорат банкларнинг устав капиталига нисбатан минимал талаблар ўрнатилади. Амалда фаолият кўрсатаётган банкларга эса капиталнинг етмаган қисмини тўлдириш учун маълум вақт берилади. Хусусан республикамиз тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қуйидаги талаблар ўрнатилган.

3.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорига қўйиладиган талаблар⁴³

Давр	Тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида банклар учун	Хусусий тижорат банклари учун
2005 йил 1 июльдан	3 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2006 йил 1 январдан	4 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	2 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2007 йил 1 январдан	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида		2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2010 йил 1 январдан	10 млн. евро эквивалентида		5 млн. евро эквивалентида


Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Марказий банк томонидан республикамиз тижорат банкларининг устав капитал ҳажмининг минимал миқдорига бўлган талаблар йиллар давомида узлуксиз ошириб борилган. Банк капитали ҳажмининг узлуксиз ошириб борилиши банкларинг жаҳон молия бозоридаги нуфузини оширишга, қолаверса аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада орттиришга хизмат қилади.

Банк капитали ҳажмини узлуксиз ошириб бориш банкларинг жаҳон молия бозоридаги нуфузини оширишга, қолаверса аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада орттиришга хизмат қилади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатлардаги сингари, республикамизда ҳам иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашуви тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

⁴³ “Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 26.04.2000 й. № 420

Тижорат банкининг капиталлашув даражасини АТБ “Саноатқурилишбанк” мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги йилларда ушбу банкнинг умумий капитали жадал суръатларда ўсиб бормоқда.



3.6-расм. АТБ “Саноатқурилишбанк” умумий капиталининг ўсиш динамикаси⁴⁴, (млрд. сўм)

АТБ “Саноатқурилишбанк”нинг умумий капитали 2013 йил 1 январидан 251,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса 2017 йил 1 январга келиб 853,6 млрд. сўмга ўсди ўтган йилга нисбатан 601,8 млрд. сўмга ошди.

Энди капитал етарлилик даражасининг динамик қиррасини кўриб чиқсак. Тижорат банклари етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш, шунингдек, фаолияти давомида дуч келадиган рисклардан зарар кўрмай чиқиб кетиш имкониятини беради.

CAMEL тизимининг хусусиятлари шундан иборатки, бу тизим орқали тижорат банкининг рейтинги банк фаолиятининг барча кўрсаткичларини ҳисобга олади ва ҳар битта кўрсаткич бўйича ҳам алоҳида баҳо берилади.

Банк капитали етарлилигини таҳлил қилиш учун АҚШ да CAMEL рейтинг тизими бўйича қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланади:

1. Биринчи ва иккинчи даражали капитал ўртасидаги нисбат:
2. Капиталнинг етарлилик коэффициентлари:

⁴⁴ АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

– Жами капитал ҳамда биринчи даражали капиталнинг таваккалчиликка тортилган активларга нисбати;

– молиявий левераж коэффиценти. Бу коэффицент активларнинг капитал билан таъминланганлик даражасини билдиради.

CAMEL тизими бўйича банк капитали асосий (I даражали) ва қўшимча (II даражали) капитал дан ташкил топади.

CAMEL тизимида капитал етарлилик коэффицентларини ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

1. I даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти

$$K1 = \frac{\text{асосий капитал}}{\text{рискка тор тилган активлар умумий суммаси}} * 100\% \text{ (2.1)}$$

2. Жами капиталнинг етарлилик коэффиценти

$$K2 = \frac{\text{Жами капитал}}{\text{рискка тор тилган активлар умумий суммаси}} * 100\% \text{ (2.2)}$$

3. Молиявий левераж коэффиценти

$$K3 = \frac{\text{асосий капитал}}{\text{активлари умумий суммаси – номоддий активлар}} * 100\% \text{ (2.3)}$$


Молиявий левераж коэффиценти 0,6 % даражасида ўрнатилган.

CAMEL тизимининг кейинги компоненти **A – Assets quality** – активлар сифатини баҳолаш ҳисобланади.

CAMEL рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткич бўлиб, активларнинг умумий рискинни банк капиталига нисбати ҳисобланади.

Активлар сифатини таснифлаш бўйича CAMEL тизими талабларини кўриб чиқишдан олдин, республикада тижорат банкларининг жами активларининг ўсиш динамикасига назар ташласак.

Тижорат банкларининг активлари динамикасини АТБ “Саноатқурилишбанк” мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги йилларда ушбу банкнинг активлари ҳам жадал суръатларда ўсиб бормоқда.



3.7-расм. АТБ“Саноатқурилишбанк” активларининг ўсиш динамикаси⁴⁵, (млрд. сўм)

АТБ “Саноатқурилишбанк” нинг активлари сўнги беш йилда 2 баробарга ошди. 2017 йил 1 январга келиб 10309млрд.сўмга етди, банк активлари ўтган йилга нисбатан 20 фоизга ошган.

АҚШ банк тизимида активларни таснифлаш тартиби бир оз ўзгача хусусиятга эга бўлиб, унга кўра активлар 4 та синфга ажратилади. Бундан кўзланган мақсад – таваккалчилик даражасини банк сармоясига таъсирини келгусида янада аниқроқ белгилашдан иборат.

Бунда қуйидаги вазнлардан фойдаланилади:

3.6-жадвал

Активлар сифатининг таснифи⁴⁶

Таснифи	Вазни
Стандарт	2% гача
Ностандарт	20%
Шубҳали	50%
Умидсиз	100%

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, тижорат банклари стандарт активлар учун камида 2 фоиз захира ажратишлари керак.

Ностандарт активлар таркибига қайтиши кафолатланмаган, яъни қисман муаммога эга бўлган активлар киритиш мумкин. Улар учун 20 фоиз миқдорида захира шакллантирилади.

⁴⁵ АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

⁴⁶ “Управление деятельностью коммерческого банка” (Банковский менеджмент) / Под редакцией О.И.Лаврушина . Москва. Юристь 2013 год.

Шубҳали активлар – қайтмаслик эҳтимоли юқори бўлган активлар бўлиб, улар бўйича зарар кўриш эҳтимоли юқори бўлади, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлганлиги сабабли ушбу активлар шароит ойдинлашмагунча "шубҳали" деб таснифланмайди. Улар учун 50 фоиз захира яратилиши керак.

Умидсиз активлар – бундай активларга қайтмаслик эҳтимоли юқори бўлган ва ҳаётий қобилиятга эга бўлмаган активлар киради. Қиймати жуда пастлиги туфайли банк активлари сифатида уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Улар учун 100 фоиз миқдорида захира қилинади.

CAMEL тизимида активлар сифатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу – ялпи рискнинг абсолют миқдори (Absolute amount of aggregate risk) кўрсаткичи ҳисобланади. Ялпи рискнинг абсолют миқдори ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли риск миқдорига кўпайтириш орқали топилади:

$$УР = НА * 0,2 + ША * 0,5 + УА * 1,0 \quad (2.4)$$

$$\begin{aligned} \text{Ялпи рискнинг абсолют миқдори} = & (\text{Стандарт активлар} \times 0,02 + \\ & \text{Ностандарт активлар} \times 0,2 + \text{Шубҳали активлар} \times 0,5 + \\ & \text{Умидсиз активлар} \times 1,0). \end{aligned}$$

Активларни ностандарт, шубҳали ва умидсиз активларга классификациялаш тизими CAMEL тизимига мос равишда банк активларини умумий сифат рейтингини аниқлаш, шунингдек кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун захираларга ажратмаларни етарлиликни баҳолаш имконини беради. Шунини ёдда сақлаш керакки, тақдим этилган ҳисобот активлар сифатини айрим кўрсаткичларини ўзида мужассам этганлигига қарамасдан, уни ҳақиқий ва тўлиқ баҳоланиши кредит таҳлили соҳасида фаолият юритилиши учун махсус тайёрланган аудиторларни банк ташкилотлари жойларида текширувни олиб боргандагина аниқ бўлади.

CAMEL тизимида активлар сифатини баҳолашда қуйидаги тамойилларидан фойдаланилади:

СAMEL тизимида активлар сифатини баҳолаш тамойиллари⁴⁷

Таснифланган активлар қиймати билан капитал ўртасидаги нисбат, % ҳисобида (АЯР)	Рейтинг
5% дан кам	Кучли
5% дан 15% гача	Қониқарли
15% дан 30% гача	Ўртача
30% дан 50% гача	Танқидий
50% дан 100% гача	Қониқарсиз

АЯР- СAMEL тизимида қуйидагича аниқланади:

$$\text{АЯР} = \frac{\text{ялпи рискнинг умумий миқдори}}{\text{Умумий капитал}} * 100\%(2.5)$$

Юқоридаги нисбатлардан кўриниб турибдики, активларнинг сифати билан капитали ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, яъни активлар сифати қанчалик даражада паст бўлса, банкка шунчалик даражада кўпроқ зарар келтиради. Бу ўз навбатида капитални камайишига олиб келади, чунки бу зарарлар банк капитали ҳисобидан қопланади. Шунингдек, катта миқдорда капиталга эга бўлган банклар кичик миқдордаги капиталга эга бўлган банкларга нисбатан зарарни қоплаш қобилиятига кўпроқ эга бўладилар.

Активлар сифатини баҳолашда юқоридаги кўрсаткичдан ташқари яна қуйидаги коэффициентлардан ҳам СAMEL тизимида фойдаланилади.

$$\text{А}_т = \frac{\text{тавақалчиликка тортилган активлар умумий суммаси}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%(2.6)$$

Бу кўрсаткич банк активларининг қай даражада рисклилигини таснифлайди. A_t – қанчалик бирга яқинлашса банк хатари шунчалик катта бўлади.

$$\text{А}_{мк} = \frac{\text{муаммоли активлар суммаси}}{\text{жами кредитлар суммаси}} * 100\%(2.7)$$

A_{mk} – кўрсаткичи банкнинг кредит портфелининг қай даражадалигини англатади. Бунда қайтариш муддати ўтиб кетган кредитларнинг салмоғи аниқланади.

⁴⁷ “Управление деятельностью коммерческого банка” (Банковский менеджмент) / Под редакцией О.И.Лаврушина . Москва. Юрист 2013 год.

Тижорат банклари активларининг сифатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири активлар таркибида жами даромад келтирувчи активлар улуши ҳисобланади. Даромад келтирувчи активларинг жами активлардаги салмоғи 70 фоиздан ортиқ бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

$$\text{АДК} = \frac{\text{даромад келтирувчи активлар суммаси}}{\text{жами активлар суммаси}} * 100\%(2.8)$$

Банклар фаолиятини аудитдан ўтказиш жараёнида активлар даромадлигининг ўзгариши, активлар таркибидаги даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши асосий назорат объектлари сифатида эътиборга олинishi лозим.

Фикримизча, тижорат банклари фаолияти таҳлилинини такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ходимлар малакаси ва этикаси ҳамда дунёқараши;
- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, яхши ишлаш учун барча шароитларни яратиш, лавозим вазифалари ҳамда мажбуриятларни аниқ белгилаш, илғор хорижий банкларда тажриба ортириш, янги банк технологияларини мунтазам равишда фойдаланиш;
- таҳлил усуллари ўзаро солиштириш ва банк учун мақбул усулларни танлаш;
- банкнинг активлари ва пасивлар буйича сўнгги ўзгаришлар, бозордаги ҳолат;
- ички назорат ҳамда ташқи аудит тартиботлари, мақсадлари ва вазифалари билан танишиб бориш;
- молиявий ҳисобот ва бошқарувнинг маълумотлар тизимини бир-бирига тўғри келишлиги;
- актив операцияларнинг капиталга мувофиқлиги ва унинг баҳоси;
- фойда нормаси ва харажатлар динамикаси;
- хизмат кўрсатилаётган мижозларга қулайликлар ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш;
- таҳлилий изланишлар, хориж тажрибасини ўрганиб бориш;
- фоиз ставкаси тебраниши таваккалчилигидан банк мижозлари

манфаатларини ҳимоялаш;

- самарали бозор интизомини чуқур ўрганиб бориш;
- банк фаолиятида капитал ва мажбуриятларга мувофиқлаштирган ҳолда активларни баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш (таҳлилий ва молиявий коэффициентлар туркуми);
- кредитларни тақдим этиш сиёсати ва техникасини таҳлил қилиш;
- Марказий банк норматив ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни бажарилишини таҳлил қилиш.

Жаҳон банк амалиётида рискларнинг тўғри тақсимланиши ва хизмат турларининг кўплиги мижознинг оладиган даромадларига сезиларли равишда таъсир қилмайди. Аммо бу ҳолат ҳамма жойда ҳам бир хил эмас, шунинг учун банклар узоқ муддатли стратегия усули орқали ўз мавқеини мустаҳкамлаб боради. Удум ва тажриба бошқарувнинг асоси бўлиши муҳим бўлиб қолмоқда. Банк ўз бошқарув тизимини яратишда, ҳар томонлама юқори тажрибага асосланган инвестицион бизнес фаолиятида асосланган тизимга боғланган ва риск маданиятини чуқур таҳлил қила оладиган, баҳолай оладиган тизим бўлишини талаб этади. Шунинг учун республикамиздаги банклар фаолиятида бошқарув тизимли удум ва тажрибани бевосита боғлаган ҳолда олиб боришни кўзда тутаяди. Жаҳон иқтисодий интеграциясига яқинлашиш ҳар нарсани кўр-кўрона кўчириб олишни эмас, балки уни шароитдан келиб чиқиб, минтақавий муҳитга мослаган ҳолда тадбиқ этишни тақозо этади.

III боб бўйича хулоса

Тижорат банклари фаолияти таҳлилинини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди ва таклифлар берилди:

1. Капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсиялар (Базель-III стандартлари) ишлаб чиқилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандарт ва

тавсияларини (Базель-III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлайди.

2. Тижорат банкларининг ликвидлилиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар ва пассивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозим.

3. Тижорат банк капиталини ошириш мақсадида ҳамда Базель III тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3% дан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капиталини, I даражали капиталини ва I даражали асосий капиталини йилма-йил ошириб бориши лозим.

4. Тижорат банклари фаолияти таҳлилинини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади:

- Тижорат банклари йиллик фаолияти натижаларини таҳлил қилишни такомиллаштиришда банкларни баҳолашнинг бугунги кунда халқаро амалиётда ўрин олган усулларида бири ҳисобланган «CAMELS» рейтинг тизимидан кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, яхши ишлаш учун барча шароитларни яратиш, лавозим вазифалари ҳамда мажбуриятларни аниқ белгилаш, илғор хорижий банкларда тажриба ортириш, янги банк технологияларини мунтазам равишда фойдаланиш;

– таҳлил усуллари ўзаро солиштириш ва банк учун мақбул усулларни танлаш;

– банкнинг активлари ва пассивлар бўйича сўнгги ўзгаришлар, бозордаги ҳолат;

– ички назорат ҳамда ташқи аудит тартиботлари, мақсадлари ва вазифалари билан танишиб бориш;

– молиявий ҳисобот ва бошқарувнинг маълумотлар тизимини бири-бирига тўғри келишлиги;

- актив операцияларнинг капиталга мувофиқлиги ва унинг баҳоси;
- фойда нормаси ва харажатлар динамикаси;
- хизмат кўрсатилаётган мижозларга қулайликлар ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш;
- таҳлилий изланишлар, хориж тажрибасини ўрганиб бориш;
- фоиз ставкаси тебраниши таваккалчилигидан банк мижозлари манфаатларини ҳимоялаш;
- самарали бозор интизомини чуқур ўрганиб бориш;
- банк фаолиятида капитал ва мажбуриятларга мувофиқлаштирган ҳолда активларни баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш (таҳлилий ва молиявий коэффициентлар туркуми);
- кредитларни тақдим этиш сиёсати ва техникасини таҳлил қилиш;
- Марказий банк норматив ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни бажарилишини таҳлил қилиш;
- тижорат банки фаолияти ўрганилаётганда комплекс таҳлил қилиш;
- банк даромадлигини таҳлил қилишда ресурсларнинг номинал ва реал қийматини аниқлаш, аниқланган қиймат асосида актив операцияларни амалга ошириш;
- тижорат банкларининг актив ва пасивларини таҳлил қилишда унга таъсир қилувчи ҳар бир омилнинг таъсирини таҳлил қилиб бориш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация тадқиқотлари жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шаклантирилди:

1. Банк фаолияти таҳлили жараёнида ҳақиқий ҳолат ўрганилади, ҳақиқий ҳолат норматив кўрсаткичлар билан таққосланади, олинган натижаларга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг банк фаолиятига таъсири таҳлил қилиниб фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан банк бошқарувига таклифлар тайёрланади.

2. Банк фаолияти таҳлилининг асослари бўлиб банкнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари, банкнинг банк назорати бўйича ҳисобот шакллари, банкнинг аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари, бошқа банкларнинг маълумотлари ҳисобланади.

3. Банк фаолиятининг самарадорлиги асосан унинг фаолиятини ҳар томонлама тўлиқ таҳлил этилиши, натижалари ўрганилиши, истиқболдаги режалар таҳлил натижасида қабул қилинган қарорлар, белгиланадиган чора-тадбирлар сифатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

4. Банк фаолияти таҳлилининг турлари ҳар хил бўлишига қарамасдан, улардан таҳлил жараёнида ўрганилаётган кўрсаткичнинг мазмун-моҳиятига қараб турли усулларни қўллаб, таққосланаётган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ва бу фарқларни келтириб чиқарган омиллар аниқланади.

5. Банк актив ва пассив операциялари ҳолати, динамикаси, самарадорлиги каби масалалар доимий равишда таҳлил этилмоғи лозим. Шу билан бирга активларнинг ликвидлиги, даромадлиги ва рисклилик даражаси, пассивлар барқарорлиги, капитал етарлилиги таҳлили фаолият мувоффақиятининг гарови ҳисобланди. Банк активларининг унинг пассивлари билан мутаносиблигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

6. Тижорат банкларининг жами активлари охириги 5 йил давомида 2,3 бараварга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 80,4 трлн. сўмга етди. Банк активлари юқори ўсиш тенденциясига эга. 2012 йилдан 2016 йилга

кадар ҳар йили ўртача 22,5 фоизга ўсган.

7. Тижорат банклари жами активлари ва берган кредитлари 2016 йилда ўтган йилларга нисбатан ошган. Кредитларнинг активлар таркибидаги салмоғи 2016 йилда 66,4 фоизни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 9,4 фоизга кўпайган.

8. Банк активлар таркиби дейилганда баланс якунига кўра ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушунилиб, банкнинг актив ва мажбуриятлари риск, даромадлилик ва ликвидликка таъсири нуқтаи назаридан таққослама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

9. 2017 йил 1 январь ҳолатига АТБ «Саноатқурилишбанк» активлари 10308,9 млрд. сўмни ташкил қилиб 2015 йилга нисбатан 1485,9 млрд. сўмга кўпайган. Бунда асосан кредитларнинг 1545,8 млрд. сўмга, нақд пуллар суммаси 268,8 млрд. сўмга банкнинг ЎзР МБдан олиши лозим бўлган суммаларининг 119,6 млрд. сўмга кўпайиши сабаб бўлган. Банкнинг соф кредитлар ва бўнақлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 2,5 фоизга ўсиб ўртача 83,1 фоизни ташкил қилган. Ушбу ҳолат банк активлари яхши диверсификация қилинмаганлигини кўриш мумкин.

10. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи банк капитали самарадорлигининг таҳлили банк капиталининг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилганлиги, банкнинг капитал билан таъминланганлик даражаси ҳамда банк капитали даромадлилиги ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолашга асосланади.

11. Тижорат банклари жами капитали кейинги йилларда юқори суръатларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. АТБ «Узсаноатқурилишбанк»да 2014 йилда 335040,3 млн.сўмни, 2016 йилда 727591,8млн.сўмни ташкил этгани ҳолда, аксарият бошқа банкларда ҳам ўсиш тенденциясига эга экалигини кўришимиз мумкин. АТБ «Узсаноатқурилишбанк» тизимда 3-ўринда эканлигини ҳам кўрсак бўлади.

12. Банк тизими барқарор фаолият олиб бориши учун тижорат банклари фаолиятини характерловчи ва риоя этилиши мажбурий бўлган, қолаверса,

банклар ликвидлигига таъсир этадиган иқтисодий меъёрларнинг бажарилиши доимий таҳлил қилиб борилиши лозим.

13. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш банк ходимлари учун тижорат банклари активларни бошқариш тўғрисида асосланган қарорни қабул қилишга имкон беради. Молиявий ҳисоботни таҳлил қилишда энг муҳим масала банкнинг ўтган даврдаги ва ҳозирги даврдаги молиявий ҳолати ва уларнинг молиявий ҳисоботда қандай акс эттирилиши ҳисобланади.

14. Капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсиялар (Базель-III стандартлари) ишлаб чиқилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандарт ва тавсияларини (Базель-III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлайди.

Тадқиқот жараёнида тижорат банклари фаолияти таҳлилинини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларининг ликвидлиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар ва пассивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозим.

2. Тижорат банк капиталини ошириш мақсадида ҳамда Базель III тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3% дан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капиталини, I даражали капиталини ва I даражали асосий капиталини йилма-йил ошириб бориши лозим.

3. Тижорат банклари йиллик фаолияти натижаларини таҳлил қилишни такомиллаштиришда банкларни баҳолашнинг бугунги кунда халқаро амалиётда ўрин олган усулларида бири ҳисобланган «CAMELS» рейтинг тизимидан кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, яхши ишлаш учун барча шароитларни яратиш, лавозим вазифалари ҳамда мажбуриятларни аниқ белгилаш, илғор хорижий банкларда тажриба ортириш, янги банк технологияларини мунтазам равишда фойдаланиш.

5. Таҳлил усуллари ўзаро солиштириш ва банк учун мақбул усулларни танлаш.

6. Ички назорат ҳамда ташқи аудит тартиботлари, мақсадлари ва вазифалари билан танишиб бориш.

7. Таҳлил даврида молиявий ҳисобот ва бошқарувнинг маълумотлар тизимини бир-бирига тўғри келишлиги, актив операцияларнинг капиталга мувофиқлиги ва унинг баҳоси, фойда нормаси ва харажатлар динамикаси, хизмат кўрсатилаётган мижозларга қулайликлар ва уларнинг эҳтиёжларини қондиришни таҳлил қилиб бориш.

8. Таҳлилий изланишлар, хориж тажрибасини, фоиз ставкаси тебраниши таваққалчилигидан банк мижозлари манфаатларини ҳимоялашни, самарали бозор интизомини чуқур ўрганиб бориш.

9. Банк фаолиятида капитал ва мажбуриятларга мувофиқлаштирган ҳолда активларни баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш (таҳлилий ва молиявий коэффициентлар туркуми).

10. Марказий банк норматив ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни бажарилишини доимий ва комплекс таҳлил қилиш.

11. Банк даромадлилигини таҳлил қилишда ресурсларнинг номинал ва реал қийматини аниқлаш, аниқланган қиймат асосида актив операцияларни амалга ошириш.

12. Тижорат банкларининг актив ва пассивларини таҳлил қилишда унга таъсир қилувчи ҳар бир омилнинг таъсирини таҳлил қилиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятига молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 2003 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 1995 йил 21 декабр.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 25 апрел.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 21 март.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56 сонли Қарори.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166–сонли Қарори
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрель.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига

эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори.
“Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 25-сон, 70-модда

1.11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом, 2004 йил 30 январ.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 2696-сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги 2709– сонли “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми.

1.17. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Тошкент: Ўзбекистон, -

2013 й.

1.18. Каримов И.А. “2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маъруза . Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.

1.19. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: «Ўзбекистон» , 2005. – 528 б.

1.20. Мирзиёев Ш.М.“Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”.- Тошкент: 2016.-56б.

1.21. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”.- Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.-104б.

1.22. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017. – 48б.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. “Ahbor Reytng” рейтинг компаниясининг № 46 таҳлилий шарҳи

2.2. АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари

2.3. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б.

2.4. Бобоев Б. Банк ресурсларидан фойдаланишни мақбуллаштириш. //Бозор,пул ва кредит. №2, 2001.

2.5. Бобокулов Т., Юсупов А. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш. // Бозор, Пул ва Кредит. №10, 2004 йил. – 6-7 б.

2.6. Каримов Н. Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш – инвестициявий фаолиятни такомиллаштириш омили. //Бозор, пул ва кредит. №10, 2006 – 13-14 б.

2.7. Козлов А.А. Вопросы реализации Базельских рекомендации в области банковского надзора в России. //Деньги и Кредит, №6 -2006.

2.8. Қоралиев Ш. Тижорат банклари капитали етарлилигини

таъминлаш. // Бозор, Пул ва Кредит. №2. 2003. – 13-14 б.

2.9. Маткаримов М. Тижорат банки ресурс базасини шакллантириш. //Бозор, пул ва кредит. №1.2005.

2.10. Махмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.

2.11. Омонов А. Банк капитали етарлилигини таъминлашда хатарли банкактивлари аҳамияти. //Бозор, Пул ва Кредит. №6 2004. – 14-15 б.

2.12. Омонов А.Банк капитали етарлиligere қўйилган талаблар. // Бозор, Пул ва Кредит. №3 2004. – 14 - 15 б.

2.13. Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализации. // Деньги и Кредит, №6, 2000. – С. 20-23.

2.14. Собиров А., Юсупов А. Стратегия формирования и укрепления капитала коммерческих банков Узбекистана. //Рынок, Денги и Кредит, №2. 2005. – 9-15 с.

2.15. Умаров З.А. Тижорат банклари молиявий таҳлилнинг айрим йўналишлари. // Развитие розничного банковского бизнеса мавзусидаги халқаро илмий–амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. –Б. 315–316.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIIYA ”, 2009 й. – 548 бет.

3.2. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. – 304 б.

3.3. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб.пос. - М.:, 2004. - 231 с

3.4. Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П. Кроливедской. 4–е издание – М.: Финансы и статистика, 1998. –464 с.

- 3.5. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.
- 3.6. Банковское дело: Учебник/ под.ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.
- 3.7. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов. –изд. 2–е перераб. и доп. –М.: Университетская книга; Логос, 2007. –368 с.
- 3.8. Бор М.З., Пятненко В.В. Стратегическое управление банковской деятельностью. - М. : Финансы и статистика, 1995. -158 С.
- 3.9. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: –М.: Магистр, 2007. –350 с.
- 3.10. Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. –М.: Финансы и статистика, 2002. –240 с.
- 3.11. Қоралиев Т. ва бошқалар Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2016 й.
- 3.12. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 296с.
- 3.13. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. –Т.: ТФИ, 2004. -68 стр
- 3.14. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. –М.: Финансы и статистика, 1996. –272 с.
- 3.15. Савдакасов К. Коммерческие банки: Управленческий анализ деятельности. Планирование и контроль –М.: Ось–89, 1998. –160 с.
- 3.16. Тижорат банклари фаолияти таҳлили. Т. М. Каралиев, О. Б. Саттаров, И. Ф. Сайфиддинов. Ўқув қўлланма Тошкент 2014
- 3.17. Управление деятельностью коммерческого банка (Банковский менеджмент) / Под редакцией О.И.Лаврушина . Москва. Юристъ 2013 год.
- 3.18. Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. –256 с.

3.19. Фраст Стивен М. Настольная книга банковского аналитика. Днепропетровск. Баланс Бизнес Букс, 2006. – 672 с.

3.20. Ш. Абдуллаева “Банк иши” Ўқув қўлланма. Тошкент 2009

3.21. Интернет сайтлари

- <http://www.cbu.uz>-(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- <http://www.gov.uz>-(Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)
- <http://www.stat.uz>-(Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)
- <http://www.lex.uz>-(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси)

- <http://www.uzsanoatqurilishbank.uz>-(АТБ Саноатқурилишбанкнинг расмий сайти)

- www.bis.org– (Базель қўмитаси сайти)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71 (336.22)**

СУЛТАНОВ АСЛИДДИН КАДИРКУЛОВИЧ

**БАНК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5А230702-«Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н. З.Умаров

ТОШКЕНТ-2017

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар **и.ф.н. З.Умаров**

Кафедра мудири **и.ф.н. З.Умаров**

Магистратура бўлими бошлиғи **и.ф.н., доц.У.Ортиқов**